



# XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqqa boshlagan

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2014-yil 9-oktabr, payshanba, 40 (568)-son

e-mail: xxi\_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz

## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING MDX SAMMITIDA ISHTIROKIGA DOIР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2014 йил 9-10 октябрь кунлари Минск шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этади.

## Сайловчилар учун қулайликлар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига ўтказиладиган сайловларга қизгин тайёргарлик кўришмоқда. Наманган вилоятида ҳам округ ва участка сайлов комиссиялари фаолият кўрсатадиган аниқ манзиллар белгиланиб, бу муҳим сиёсий жараён билан боғлиқ ишларни ҳар жиҳатдан намунали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Косонсой шаҳридаги 4-болалар муסיқа ва санъат мактабида вилоят сайлов комиссияси томонидан кўргазмали ўқув-амалий семинари ташкил этилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қароридан белгиланган чоратadbирларнинг туман сайлов комиссияси томонидан ихросига эътибор қаратилди. — Мамлакатимиз сайлов қонунчилигига мувофиқ фуқароларнинг ўз конституцион ҳуқуқ ва бурчларини тўла-тўқис амалга оширишини таъминлашнинг барча чоралари кўришмоқда, — дейди вилоят сайлов комиссиясининг раиси Шокиржон Мирзаҳамедов. — Бу мамлакатимиз тараққиётига дахлдор муҳим сиёсий жараённи уюшқоқлик билан ўтказишга хизмат қилади.



Сониқ: 3DVIP олинган сурат

## АСОСИЙ МАҚСАД — САЙЛОВДА МУНОСИБ ИШТИРОК ЭТИШ

Шу йилнинг 7 октябрь куни O'zLiDeP Сиёсий Кенгашининг навбатдан ташқари мажлиси бўлиб ўтди. Унда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловда муносиб иштирок этишини таъминлаш борасидаги устувор вазифалар муҳокама қилинди

Маълумки, Марказий сайлов комиссияси мамлакатимизда 15 сентябрдан сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилди. O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг шу муносабат билан ўтказилган йилгилишида партиянинг мазкур сайловда иштирок этиши тўғрисида қарор қабул қилинган эди.

Алоҳида таъкидланганидек, сайлов фуқароларнинг давлат ҳокимиёти органлари бошқарувида ўз вакиллари орқали иштирок этишдек

Конституциявий ҳуқуқидан фойдаланишидир. Муҳим сиёсий аҳамиятга эга бўлган ана шу масъулиятли давр — сайлов кампаниясида муносиб иштирок этиши O'zLiDePнинг асосий мақсади ҳисобланади. — Парламент куйи палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлиб ўтадиган сайлов аввалги сайловлардан тубдан фарқ қилади, — деди O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Содикжон Турдиев. — Чунки бугун-

ги сайловчининг сиёсий даражаси, онгу тафаккури юксалди. Айниқса, ёшларимизнинг дунёқараши кенгайиб, халқимизнинг эртанги кунга ишончи, ислохотларга дахлдорлик ҳисси кучайди. Сайлов эса ана шу ўзгаришлар натижасини амалда кўрсатувчи сиёсий тадбирдир. Шунинг учун ҳам дунё ҳамжамияти мазкур жараённи катта кизиқиш билан кузатиб бормоқда.

## «ЯПОЛАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКISTONИМ!»

## ШАХС КАМОЛОТИНИНГ ОЛТИН КАЛИТИ

Инсон кадр-қиммати унинг жамиятда тутган ўрни ва мавқеи билан ўлчанади. Бундай мақомга эга бўлиш учун ўзига яратилган муносиб ҳаёт шароитларидан фойдаланган ҳолда жамиятга шахс сифатидаги оқилона муносабати билан жавоб беради ва унинг бебаҳо бойлигига айланади

## XXIII КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК?

Бош Қомусимизда шахс шаклланишининг энг асосий шароитларидан бири, таъбир жоиз бўлса, олтин калити ҳисобланган мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқи таъминланганининг боиси ҳам, бизнингча, ана шундадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасида тўғридан-тўғри «Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли...» деб қайд этилганлиги амалда ўз кучини кўрсатди. Жамиятимизда тарихан кичка бир даврда унинг асосий таянч кучи — мулкдорлар қатлами вужудга келди.

... Мустақиллик арафасида, мустабид шўролар ҳокимиёти эркинлик ва озодлик калитини қўлга киритишга интилаётган кишига душман кўзи билан қараб, ҳеч иккиланмай энг оғир жазоларга гирифтор қилаётган бир пайтда Ўзбекистон раҳбари Ислам Каримов «Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга яқна тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида» қарор қабул қилди. Тўла асос билан айтиш мумкинки, ушбу тарихий ҳужжат шўролар ўтказган коллективлаштириш кампанияси туфайли мулки зўрлик билан тортиб олинган, кадр-қиммати топталган, давлат қулига айланган фуқароларга шахс сифатида янгидан ўзлигини кашф этиш учун имконият яратди. 1989-1990 йилларда бир ярим миллиондан кўпроқ оилага қўшимча ер ажратилди, 700 минг оилага янги томорқа ерлари берилди.

3

## ШХТга аъзо давлатлар бош прокурорлари мажлиси

Тошкент шаҳрида 8 октябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)га аъзо давлатлар бош прокурорларининг ўн иккинчи мажлиси бўлиб ўтди

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси ва Тожикистон Республикаси бош прокурорлари ҳамда прокуратура органлари раҳбарлари иштирок этди.

Тадбирда ШХТга кузатувчи мақомига эга Ҳиндистон Республикаси, Эрон Ислам Республикаси, Мўғилистон вакиллари, шунингдек, ШХТ Бош котиби Дмитрий Мезенцев, ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори Чжан Синьфэн қатнашди.

Мажлис Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашидjon Қодиров раислигида ўтди. Унда бош прокурорларнинг йиллик мажлиси ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг халқаро терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа хавфи кўришиларига қарши кураш соҳасида ҳуқуқий ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга доир қарорларини амалга оширишнинг самарали механизми экани таъкидланди. Навбатдаги мажлис бу соҳадаги қўшма қарорларнинг ижроси билан боғлиқ жараёнларнинг давомий бўлди.

Тадбирда ШХТга аъзо давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмалари ҳамкорлигининг истиқболли йўналишлари муҳокама этилди.

Мажлис иштирокчилари ШХТга аъзо давлатлар прокуратура органлари томонидан тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, табиати муҳофаза қилиш соҳаларидаги қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга ошириш масалалари бўйича ахборот алмашди. Шунингдек, жинсий йўл билан топилган даромадларни аниқлаш, мусодара қилиш ва уларни тегишли давлатларга қайтариш юзасидан ташкилотга аъзо давлатларнинг қонунчилик ҳужжатлари ва амалиёти таҳлилийнинг натижалари ҳам муҳокама этилди.

Мажлис якунида ШХТга аъзо давлатлар делегация раҳбарлари томонидан тегишли Протокол имзоланди. Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси, Ўзбекистон Республикаси ва Мўғилистон Бош прокуратуралари делегацияларининг икки томонлама учрашувларида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

(ЎЗА)

## Хусусий мулк ҳуқуқи

Қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини янада яхшилаш O'zLiDeP учун устувор вазифа бўлиб қолаверади

Мамлакатимизда кечаётган демократик ўзгаришларнинг фаол иштирокчиси бўлган O'zLiDeP ҳам энг муҳим сиёсий палла — сайлов кампаниясига қадам қўйди.

Ҳар бир даврнинг муҳим воқеалари бўлганидек, ўтган беш йил ҳам мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта ўзгаришлар, иқтисодий-таъдир билан улкан муваффақиятлар билан юртимиз тарихига муҳрланди. Ўтган сайловларда партия тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерлар ҳамда интеллектуал мулк эгалари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда катта тажриба тўплади, десак муболағга бўлмайди. Чунки бугунги кунга келиб хусусий сектор иқтисодиёти мизнинг локомотивига айлангани ҳеч кимга сир эмас. Бунинг ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажми

йилдан-йилга ошиб бормоқда. Сўнгги 3 йилда бу борадаги кўрсаткич қарийб икки баробар ошгани фикримизни тасдиқлайди. Фақат ўтган йилнинг ўзида 455 та корхонада маҳаллийлаштириш дастури асосида 1 минг 140 та лойиҳа амалга оширилди. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми 1,2 баробар кўпайиб, импорт ўрнини босиш бўйича якуний самара 5 миллиард 300 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Ўрни келганда биргина ўтган йилнинг ўзида юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлаганини айтиб ўтиш жоиз. Бундай имкониятлар туфайли мазкур тармоқнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши жорий йилнинг биринчи ярмида 43,9 фоизни ташкил этиб, соҳада аҳоли бандлиги 76,4 фоизга етди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бир сўз билан айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг

## Сараланганлар Ҳиндистонга боришади

Гулистон шаҳрида ҳиндистонлик ишбилармонлар иштирокида «Тадбиркорликни ривожлантириш стратегияси» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда таъкидланганидек, 2006 йилда Ҳиндистоннинг Тадбиркорликни ривожлантириш институти ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган битимга мувофиқ Тошкентда «Ўзбекистон-Ҳиндистон тадбиркорликни ривожлантириш маркази» очилган. Ўтган давр мобайнида Фарғона, Самарқанд ва Гулистон шаҳарларида мазкур марказнинг филиаллари ташкил этилди. Тадбиркорларга бозор инфратузилмаси ҳақида кенроқ маълумот бериш, уларга бизнесни йўлга қўйишда қўмаклашиш, экспортни рағбатлантириш ҳамда сифатни бoшқаринга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида очилган марказ ташаббуси билан Сирдарё вилоятида ўтказилган семинар якунида сараланган уч нафар маҳаллий тадбиркор Ҳиндистонда бизнес йўналишида ташкил этиладиган ойлик курсларда ўқини имкониятини қўлга киритди.

3

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йил 7 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгиллади:\*)

1 Австралия доллари	2062.21
1 Англия фунт стерлинги	3789.34
1 Дания кронаси	398.78
1 БАА дирҳами	645.68
1 АҚШ доллари	2371.45
1 Миср фунти	331.67
1 Исландия кронаси	19.51
1 Канада доллари	2108.33
1 Хитой юани	386.32
1 Россия рубли	59.74
1 Украина гривнаси	183.26
1 Малайзия ринггити	728.33
1 Польша злотийси	708.30
1 СДР	3517.31
1 Туркия лираси	1036.56
1 Швейцария франки	2452.12
1 ЕВРО	3041.14
10 Жанубий Корея вони	22.20
10 Япония иенаси	216.37

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

## ЖАРАЁН

Натижа таққослашда билинади



4

## ҚУЙИ БЎҒИНЛАРДА


Таянч нуқталарнинг таъсир кучи



5

## ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Миллионлар тақдирига боғлиқ масала



7

## СЎНГГИ САҲИФА

Инчеонда қўлга киритилган медаллар



8

# ИСЛОҲОТ



Сониқ ЭОИР олган сураат

## O'zLiDeP тегишли ҳужжатларни топширди

**Маълумки, амалдаги қонунчиликка биноан барча сиёсий партиялар жорий йилнинг 21 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловда иштирок этиш учун тегишли ҳужжатлар тўпламини топшириши зарур. Бунда сиёсий партияларнинг сайловдаги иштирокини қўллаб-қувватлайдиган сайловчиларнинг камида 40 минг имзоси тақдим этилиши, мамлакатимизнинг битта маъмурий-ҳудудий тузилмасида тўплаган имзолар сони 8 фоиздан ошмаслиги лозим**

Ана шу талаб асосида Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Марказий сайлов комиссиясига сайловда иштирок этиш учун зарур ҳужжатларни тақдим қилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, сиёсий партиялар учун муҳим синов деб бачаси бўлган имзо тўплаш жараёни муайян даражада ҳар бир сиёсий кучнинг жамият ҳаётида тутган ўрни, аҳоли орасидаги нуфузини ҳам белгилайди.

Шу хусусда сўз юритганда, давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини такомиллаштириш бўйича илгари сурилган ташаббуслар, шубҳасиз, сайлов жараёнларини янада эркинлаштиришда муҳим омил бўлганини қайд этиш лозим.

Энг муҳими, сиёсий партияларнинг роли ҳар томонлама кучайиб, ўз электорати шаклланди. Аҳоли кенг қатламларининг сиёсий партияларга нисбатан муносабати ижобий томонга ўзгарди. Электоратнинг имзо тўплаш давридаги фаоллиги сўзимиз исботи бўлиши мумкин. Улар имзо варақасига шунчалик қўл қўйиб бергани йўқ, аксинча, партия ўтган беш йилда нима қилди-ю, кейинги беш йилда қандай вазибаларни бажариши билан қизиқиши.

Кўппартиявийлик тизими демократик жамиятнинг ажралмас қисмидир. Сайлов эса демократия кўзгуси бўлиши баробарида сиёсий партиялар учун ўзига хос имтиҳон. Бунда улар электорат манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича аниқ позицияси билан сайловчилар орасида қай даражада ном қозонганини намоян этишади.

— Сайловчилар имзосини тўплаш жараёнидаги фаоллик электоратнинг, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик вакилларининг бўлажак сайловга қизиқиши тобора кучайиб бораётгани, модомики, партиямиз мавқеи мустақамланаётганини кўрсатди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси раҳбари Бахтиёр Якубов. — Бу нафақат имзо тўплаш жараёни, балки юртимизда бизнес муҳитини янада яхшилаш бўйича олиб борилаётган давлат аҳамиятига молик изчил сиёсатнинг мантиқий ифодасидир.

Сиёсий партияларни қўллаб-қувватловчи имзолар тўплаш жараёни олдимизда турган имтиҳоннинг дастлабки босқичи бўлди. Буни аслида сиёсий партияларнинг ўзгаришларнинг нафақат иштирокчиси, балки ҳаракатлангириш кучи сифатида сиёсий партияларга талабчанлиги кучайганидан далолатдир. — Мамлакатимиз сайлов қонунчилиги асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, яъни унинг сайлов тизимига бағишланган махсус боби ташкил этади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Полянте Свешников. — Дунёнинг кўплаб давлатлари конституцияларида бу каби боб мавжуд эмас. Сайлов тизимига бундай ёндашув фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи ва эркин-

катимизда амалга оширилаётган ислохотлар муваффақиятининг муайян кўринишидир. Одамларнинг фуқаролик позицияси ва ҳуқуқий маданияти ўсгани, демократик ўзгаришларнинг нафақат иштирокчиси, балки ҳаракатлангириш кучи сифатида сиёсий партияларга талабчанлиги кучайганидан далолатдир. — Мамлакатимиз сайлов қонунчилиги асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, яъни унинг сайлов тизимига бағишланган махсус боби ташкил этади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Полянте Свешников. — Дунёнинг кўплаб давлатлари конституцияларида бу каби боб мавжуд эмас. Сайлов тизимига бундай ёндашув фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи ва эркин-

ликларини кафолатлайди. «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги қонун мамлакатимиз сайлов тизими конституцион асосларини янада такомиллаштириш ва либераллаштиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Мазкур туза-

партияларнинг ўрнини сезиларли равишда кенгайтиргани ва мустақамлаганини қайд этиш мумкин. Жумладан, сиёсий партияларнинг сайловдаги иштирокини қўллаб-қувватловчи сайловчиларнинг зарур имзоси сони 50 000 тадан 40 000 гача қисқартирилди. Сиёсий партиянинг ваколатли вакили институтига жорий этилиб, у сайлов участкаларида овозларни санаш, имзо варақаларини тўлдириб тўриштириш ва текширишда иштирок этиш ҳуқуқи эга бўлди. Шунингдек, депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари сони 5 нафардан 10 нафаргача оширилди.

— Сайловчилар имзосини тўплаш жараёнидаги фаоллик электоратнинг, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик вакилларининг бўлажак сайловга қизиқиши тобора кучайиб бораётгани, модомики, партиямиз мавқеи мустақамланаётганини кўрсатди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси раҳбари Бахтиёр Якубов. — Бу нафақат имзо тўплаш жараёни, балки юртимизда бизнес муҳитини янада яхшилаш бўйича олиб борилаётган давлат аҳамиятига молик изчил сиёсатнинг мантиқий ифодасидир.

Рўй бораётган барча ижобий ўзгаришларнинг фаол иштирокчиси сифатида O'zLiDeP аъзолари ҳам мамлакатимизнинг ривожланган демократик давлатлар сафидан муносиб ўрин олиши учун амалга оширилаётган ислохотлар муваффақиятини таъминлашга доир фаолиятини янги босқичга кўтариши лозимлигини бугунги шиддатли даврнинг ўзи тақозо қилади.

## Асосий мақсад — сайловда муносиб иштирок этиш

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Дарҳақиқат, партия Сиёсий Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган VIII мажлисида O'zLiDePнинг янги Сайловолди платформаси лойиҳасини тайёрлаш жараёни қизғин давом этаётгани алоҳида таъкидланганди. Эндики асосий вазифа партия съездида бўлган даврда мазкур дастур лойиҳасини худудларда аҳоли кенг қатламлари ўртасида муҳокамадан ўтказишидир. Айниқса, тadbirkor ва фермерлар орасида шундай муҳокамаларни ташкил этишга жиддий эътибор қаратиш зарур. Токи ҳар бир мулкдор шу дастурда ўзини ўйлантирадиган масалаларнинг ечимини топиш бўйича фикрларини билдириш имкониятига эга бўлсин. Ҳақиқатан ҳам аҳоли қатламларини қизиқтирган, электорат кўнглида бўлган интилишларга жавобларни ўзида мужассам этган Сайловолди платформаси билангина сайловчиларнинг ишончини қозониш мумкин.

Сиёсий Кенгаш мажлисида муҳокама этилган масалалар қўлами сиёсий жараён арафасида партиямизнинг олдида нақадар катта ишлар турганини кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, фаолларимиздан ҳаракатни янада кучайтириш, янги талаблар даражасида ишлашни талаб қилади. Зеро, тadbirkorлик «қозон»ида қайнаган, ишбилармонлик сир-асрорларини яхши билладиган, бу борадаги илгор хорижий тажрибаларни чуқур ўрганган кишиларнинг партия томонидан мафкуравий йўналишда олиб бориладиган ишларга етакчилик қилиши, ташаббускорликни намоян этишини бугунги даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мажлисида ташкилий масала кўриб чиқилди. Партиянинг Учтепа туман кенгаши раиси вазифасида ишлаб келган Дилшод Шоумаров O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раисининг мафкуравий масалалар бўйича ўринбосари этиб сайланди.

## Аҳоли саломатлиги доимий эътиборда

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари кўмитаси ташаббуси билан «Ветеринария ва санитария профилактик тadbirkorларда болалар саломатлигини муҳофаза қилиш масалалари» мавзўига оид давра суҳбати бўлиб ўтди**



Тегишли вазирилик ва ташкилотларнинг мутасадди ходимлари ҳамда кўмига ҳузурлики жамоат экспертлар гуруҳи иштирок этган тadbirkorда «Соғлом бола йили» Давлат дастурини келиб чиққан ҳолда баркамол авлодни воёга етказишда соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базасини ва кадрлар салоҳиятини янада мустақамлаш йўлида кенг қўламли ишлар олиб борилаётгани таъкидланди. Зеро, давлат бюджетининг 59,7 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилган бўлиб, шундан 30 фоизи айнан соғлиқни сақлаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш йўналишларига жалб этилаётгани эътиборга моликдир.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлиги, айниқса, болаларнинг тиббий саводдон, жисмонан соғлом бўлиб воёга етиши, уларни турли юқумли касалликлардан асрашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратишмоқда. Бу борадаги тadbirkorлар самардорлигини янада ошириш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ободонлаштириш бошқармалари ва санитария-эпидемиология назорати марказлари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Биргаликда амалга оширилаётган махсус профилактик чоралар, хусусан, ветеринария соҳасида олиб борилаётган ишлар, уй ҳайвонларини тўғри парварилаш, уларда учрайдиган касалликларнинг олдини олишга қаратилган тadbirkorлар натижасида юртимизда ҳавфли юқумли касалликлар қузатилмапти.

— Сўнгги йилларда дунёда турли хасталикларнинг авж олаётгани мамлакатимизда ветеринария соҳасидаги ислохотларни янада кучайтириш тақозо этмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси Ориф Шарипов. — Бундан унч ветеринария, санитария ишларини тартибга солиш бўйича кўрилаётган чора-тadbirkorлар самардорлигини ошириш, амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, маийий шароитда келиб чиқиши мумкин бўлган хасталикларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилмоқда. Бу борада айниқса уй ҳайвонлари орқали тарқалиш эҳтимоли бўлган юқумли касалликларга йўл қўймаслик ҳамда болаларни улардан ҳимоя қилиш борасида махсус профилактик тadbirkorлар алоҳида аҳамият касб этади.

Тadbirkor якунида мавзўга доир масалаларнинг ҳуқуқий асослари ва механизмлари юзасидан тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди.

### АКС-САДО

## Туризм тараққиёти ва бағрикенглик намоёиши



**Гулжан ХАЛМУРАТОВА,** Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

— Самарқандда ўтказилган БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси мамлакатимизнинг туризм йўналишидаги улкан салоҳияти билан жаҳон жамоатчилигини кенг таништириш учун яна бир қўлай имконият сифатида хорижий компаниялар билан ҳамкорликни мустақамлашга ҳизмат қилди, дестақилолга бўлмайди. Зеро, сайёҳлик иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириши ҳеч кимга сир эмас. Бу соҳани ривожини O'zLiDeP электорати манфаатларига ҳам мос келади.

Мамлакатимизда сайёҳларга ҳизмат кўрсатиш тизимини ривожлантиришда кичик ва хусусий бизнес вакилларининг ҳиссаси йилдан-йилга ортиб бормоқда. Айниқса, янги меҳмонхоналар қуриш ва бошқа хизматларни кўрсатишда ўрта синф вакилларининг улуши яққол сезилади.

Миллий туризм ривожини йўлга олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида юртимизга ташриф буюрувчи сайёҳлар оқими ҳам йилдан-йилга кўпаймоқда. Рақамлар тили билан гапирганда, 90-йилларда мамлакатимизга атиги 150 миң сайёҳ келган бўлса, бугунги кунда улар-

нинг сони 2 миллиондан ошганлиги фикримиз тасдиқидир. Бу эса Буюк Ипак йўли марказида жойлашган Ўзбекистонда мустақамликнинг дастлабки йиллариданоқ сайёҳлик соҳасини ривожлантиришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини кўрсатади.

Илгари сайёҳлар Самарқанд, Бухоро ва Хива каби шаҳарларга боришган. Боиси бошқа худудларда тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ва сайёҳлик йўналишига киритиш маълум маънода эътибордан четда қолганди. Зотан, сервис соҳасини ривожлантириш, янги меҳмонхоналар барпо этиш, индустриализм ва йўл коммуникация тизимларини замон талаблари даражасига келтириш зарур эди. Истиқлол йилларида ушбу муаммолар ўзининг ижобий ечимини тоғди. Бу эса республикада нафақат ташқи, балки ички туризм раванқида ҳам катта роль ўйнамоқда.



**Собир ЖАББОРОВ,** Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

— Бугунги глобаллашув жараёнида туризмни ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири бу тинчлик ва барқарорликдир.

Дарҳақиқат, шу кеча-кундузда дунёнинг турли нуқталарида содир бўлаётган қўнғилсиз воқеалар мисолида туризмни ривожлантириш ҳамда халқлар ўртасидаги бағрикенгликни таъминлашда тинчлик, деган улуг нўмаат қанчалик ҳал қилувчи омил эканини англаш қийин эмас. Зеро, тинчлик ҳўкм сулмаган мамлакатда ривожланиш ҳам издан чиқиши табиий. Нуфузли тadbirkorнинг айнан бизнинг юртимизда ўтказилиши ҳам ана шун-

бу нафақат давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ҳар томонлама ўйланган ва асосланган қатъий ва мустақил ташқи сиёсатнинг, балки мамлакатда олиб борилаётган демократик, бозор иқтисодиёти тамойилларига таъинган ислохотларнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олиниши натижаси эканлигини таъкидлаш жоиз.

Хўллас, қадимдан юксак ривожланган маданияти ва илм-фанни, қадимий обидалари билан барчани хайратга солиб келган юртимиз истиқлол шарофати билан бугун йирик сайёҳлик марказига айланмоқда. Бу халқимиз фаровонлиги, Ватанимиз тараққиётини янада юксалтиришга ҳизмат қилади, албатта. Зотан, туризмни ривожлантириш борасидаги изчил ислохотлар замирида мустақил Ўзбекистоннинг халқроқ майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтириш, юртимиздаги бунёдкорлик ва янгилликлардан чет элликларни воқиф эттиш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишдек эзгу мақсад мужассам.

### ПАХТА-2014

## Рағбат — муҳим омил

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча худудларида бўлгани сингари Наманган вилоятида ҳам пахта ҳосилини йиғиб-териб олиши қизғин паллага кирди.

Хусусан, 242 нафар ишчи-ҳодимдан иборат жамоамиз ҳам мавсумни ушқоқлик билан ўтказишга муносиб ҳисса қўшиш учун астойдил ҳаракат қиломоқда. Уларнинг кўпчилиги O'zLiDeP аъзоларидир.

Эътиборлиси, мавсумда иштирок этаётган ҳашарчилар саломатлигини мустақамлаш, уларни ўз вақтида сифатли ва арзон дорин-дармонлар билан таъминлаш мақсадида Поп, Мингбулоқ ва Учқўрғон туманларида мослаштирилган «Дамас» автомашиналари ҳизмати йўлга қўйилди.

Ҳашарчиларни рағбатлантириш масаласи ҳам четда қолаётгани йўқ. Жумладан, яқинда Уйчи туманидаги «Отабой сулоласи Отабек», Учқўрғон туманидаги «Роҳилахон» фермер ҳўжалиқларида илгор термчиларга муқофотлар топширилди. Ўзбекистон халқ артисти Зулайҳо Бойхонова, ҳизмат кўрсатган артист Самандар Ҳамроқулов ижросидаги қуйи ва қўнқилар эса ҳашарчиларга гайратга гайрат қўшиди.

— O'zLiDeP вилоят кенгаши томонидан ташкил этилаётган бундай тadbirkorлардан манумиз, — дейди «Роҳилахон» фермер ҳўжалиги раҳбари Саломат Собирова. — Бу йил 67 гектар ерда дехқончилик қилган бўлсак, шундан 44,5 гектарига пахта етиштирдик. Давлатга 112 тонна хом ашё топшириш мажбуриятини олганмиз. Ҳосилни йиғиб-териб олишда фермер ҳўжалигимиз аъзолари билан бирга «Дори-дармон» ОАЖ вилоят бўлимининг ходимлари камарбаста бўлишмоқда.

Муҳими, партия вилоят кенгаши томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда фермер ҳўжалиқлари далаларида ўтказилаётган ана шундай тadbirkorлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Буни партия гоғларига қизиқиш ва ишонч кучайиб, O'zLiDePга аъзо бўлиш истагини билдираётганлар сафи тобора кенгайиб бораётганлиги ҳам кўриш мумкин.

Раҳимберди ҚОСИМОВ, «Дори-дармон» ОАЖ Наманган вилоят бошқаруви раиси.

## Замонавий машиналар баракаси

Жорий йилда 30 миң тоннадан ортиқ пахта хирмонини бунёд этишга астойдил бел боғлаган бўёвчлик қилшқ мулкдорлари далаларида 30 та терм агрегати юқори унум билан ишлатилмоқда.

Замонавий машиналарни бошқараётган операторлар — Асрор Шодиев, Раҳматулла Солиев, Солиқ Абдуллаев кўнига 7-8 тоннадан зёёд пахта теришмоқда. Хўдуддаги «Хўмо», «Нодирабону Сафарова», «Хўжақулов Абдулазиз», «Ҳазрат Абдуллаев» фермер ҳўжалиқларида машиналарнинг унумдорлиги ҳисобига биринчи теримнинг ўзида ҳар гектар ердан қарийб 30 центнердан ҳосил йиғиб олинди.

— Айни пайтда 15 та пахта териш агрегатидан фойдаланилмай, — дейди «1-Боёвут» агрофирмаси раҳбари Абдували Шодиев. — Механизаторлар ўртасидаги беллашува Солиқ Абдуллаев пешқадамлик қиломоқда.

Ҳозирда агрофирма миришқорлари барча эътиборни даладаги пахтани тез йиғиштириб олиш учун барча имкониятлардан оқилона фойдаланишга қаратишган.

Дилора ЭСОНОВА.



# ЖАРАЁН

## Онги баланд мингни енгади

**O`zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан хотин-қизларнинг бўлажак сайловдаги фаол иштирокини таъминлаш масаласи бўйича Мирзаобод туманида учрашув ўтказилди**

Наргиза КАХҚОРОВА, «XXI asr»

Йўналишда таъкидланганидек, жорий йилнинг 21 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловда O`zLiDePга эргашганлар ишончини оқлаш, партиянинг мақсад ва вазифаларини рўйбга чиқариш ҳар бир етакчидан алоҳида масъулият билан бирга сиёсий билим ва салоҳият талаб этади.

Давра суҳбатига шу хусусда сўз юритилар экан, асосий эътибор бошланғич партия ташкилотларида сайловга тайёргарлик ишларини янада кучайтириш, бу жараёнларга хотин-қизлар ва ёшларни кенг жалб этиш лозимлигига қаратилди.

— Хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган партия сиёсатидан асосий мақсад етакчилик сифатларига эга бўлган ва партия ғояларига хайрихоҳлик билдирганларни O`zLiDeP сафига жалб қилиш, улар орасидан кадрлар захирасини тайёрлашдан иборат, — деди Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудири Севара Муслимова. — Тобора яқинлашиб келаётган сиёсий синовда муваффақият қозонишимиз кўп жиҳатдан ана шундай салоҳиятли, сиёсий савияси юқори бўлган кадрларга боғлиқ. Уларнинг интилиши, изланишлари ва жамоат ишларидаги фаол иштирокини кўллаб-қувватлаш ҳамда ҳуқуқий билимларини оширишга йўналтирилган мақсадли тадбирларимиз, ўйлаш-макка, албатта, самара беради.

Йўналишда, шунингдек, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган талабларга қатъий амал қилиш масалаларига эътибор қаратилди.

## Меъёрий ҳужжатлар экспертизаси

**Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган матбуот анжуманида маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қонун ижодкорлиги соҳасида амалга ошираётган ишлари хусусида сўз юритилди**

Қайд этилганидек, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш жараёнида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифати яхшиланишига катта эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон қонунчилигининг ажралмас бўлаги сифатида ижтимоий муносабатларни тартибга солишда алоҳида аҳамият касб этади.

Албатта, бу жараёнда белгиланган тартиблар устидан ҳуқуқий назоратни амалга ошириш адлия органлари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири саналади. Бунда асосий эътибор, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмаларининг қонун ижодкорлиги фаолиятини тизимли таҳлил қилишни ташкиллаштириш, улар томонидан киритилаётган ёки қабул қилинадиган қонун ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонун ҳужжатлари, мамлакатда олиб борилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифалари, шунингдек, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини аниқлаш юзасидан ҳар томонлама экспертизани амалга оширишга қаратилди. Ҳозирда адлия идоралари томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг 20 дан ортиқ ҳужжати норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида ҳуқуқий экспертизадан ўтказиб келинмоқда.

Бироқ тадбирда таъкидланганидек, ҳали айрим маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бу борада бир қатор камчиликларга йўл қўйилаётган. Адлия идоралари томонидан жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида қонун ҳужжатларини туркумли равишда соҳасидаги қонунбузулиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларида 231 та тақдимнома киритилган бўлиб, уларга асосан қонун ҳужжатларига зид равишда қабул қилинган 310 та қарор бекор қилинган ҳамда 67 нафар масъул ходим интизомий жавобгарликка тортилган.

— «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 34-моддасида давлат органлари ва унинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилаётган фаолиятига аралашшга ҳақли эмаслиги белгиланган, — дейди Қонун ҳужжатларини туркумли равишда ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси бош маслаҳатчиси Жасур Сирожев. — 2013 йилнинг 9 ойи давомида адлия органларининг тақдимномаларига асосан бекор қилинган қарорлар сони 94 тани ташкил этган бўлса, 2014 йилнинг 9 ойи якунларига кўра бу кўрсаткич 310 тадан ошган. Шунингдек, 2014 йил 9 ойи давомида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан адлия органларига тақдим этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари 1258 тани ташкил этиб, шундан 102 таси (8 фоиз) халқ депутатлари кенгашининг қарори лойиҳаларидир.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятини ўрганиш жараёнида юзага келаяётган камчиликларни аниқлаш, бартараф этиш ва тақдорламаслик мақсадида Адлия вазирлиги томонидан жойларда сайёр семинарлар ташкил қилиш амалиёти йўлга қўйилган бўлиб, бу борадаги муаммоларни жойида бартараф этиш бўйича аниқ тавсия ва кўрсатмалар бериб берилмоқда.

### ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИҚМАТДИР ДУНЁ!

*«Илм — нарсаларни инсон ақли ёрдами билан ўрганишлик».*

Абу Али ибн СИНО.

## Натижа таққослашда билинади

**O`zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлимининг жорий йил ўтган даври мобайнидаги фаолияти билан танишган киши йигит-қизларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш борасида муайян натижаларга эришилганлигига ишонч ҳосил қилади. Худуд аҳолисининг 60 фоиздан кўпроги айнан навқирон авлод вакилларидан иборат эканлиги боис бу борадаги вазифалар ижроси ниҳоятда долзарб аҳамият касб этаётганлиги ўз-ўзидан аён**



Шухрат РАҲИМОВ, Асхор ИСТАМОВ, «XXI asr»

бизнесларини йўлга қўйишларида ёшларга оид партиянинг лойиҳаларининг ҳам ўз ўрни бор.

Хусусан, O`zLiDePнинг «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси иштирокчилари сони вилоятда бир неча баравар ошди. Агар дастлабки даврда мазкур лойиҳада атиги 100 нафар йигит-қиз қатнашган бўлса, 2013-2014 йилларга келиб бу кўрсаткич 1100-1300 нафарни ташкил этди. Тижорат банкларидан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар билан тақдирланаётган ёшлар сафи вақт ўтгани сайин кенгайиб бормоқда. Ушбу лойиҳанинг жорий йилдаги ғолиблари, яъни 50 нафар бизнес-режа эгаларига шу кунгача тижорат банкларининг 226 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлари топширилди. Жорий йил охиригача бу кўрсаткичнинг камида 300 млн. сўмга етказиш режалаштирилган.

Партиявий фаолиятидаги худди шундай ижобий натижаларни O`zLiDePнинг «Ишбилармон талаба» стипендиеси учун ўтказиб келинаётган кўрик-танловлар мисолида ҳам кўрсатқ бўлади. 2011-2014

йиллар давомида бу танловда 1155 нафар бухоролик ёш иштирок этиб, бугунги кунда уларнинг 70 фоизи тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқда. Иштирокчиларнинг муносиб тарзда рағбатлантирилаётганлиги тадбиркорлик ва миллий хунармандчилигимизнинг тикувчилик, зардўзлик, каштачилик, кандакорлик ва бошқа йўналишларида фаолият кўрсатиш истироҳати бўлган йигит-қизларнинг кейинги ишлари ҳам талаб даражасида бўлишини таъминлапди.

Вилоятда бугунги кунда 14 мингдан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда. Кичик бизнеснинг вилоят ялпи ички маҳсулотидagi улущи эндиликда 57,5 фоиз, экспортда 30,5 фоиз, бандликда эса 77,9 фоизни ташкил этаётгани эътиборлидир.

Шу ўринда партия вилоят кенгаши ўз сафини иктидорли йигит-қизлар, истиқболли лойиҳаларнинг эгалари бўлган ёшлар ҳисобига мустахкамлаб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бугунги кунда вилоятда фаолият олиб бораётган 12058 нафар партия аъзосининг 5987 на-

фари 34 ёшгача бўлган салоҳиятли йигит-қизлар, яъни талаба-ёшлар ва турли соҳаларда меҳнат қилаётган нақирон авлод вакилларидан иборат. Кейинги 5 йил кесимида олиб қараладиган бўлса, партия аъзолари, шу жумладан, маслақдош ёшлар сони ошиб бораётгани аниқ кўзга ташланади. Қуйидаги далил ва рақамлардан ҳам буни билиб олиш қийин эмас.

Вилоятдаги O`zLiDeP аъзолари сони 2010 йил бошида 8748 нафар, партиянинг ёш аъзолари эса 4044 нафарни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич мос тарзда 8831 ва 4083 нафар, 2012 йилда 8999 ва 4095 нафар, 2013 йилда эса 9213 ва 4318 нафарга етган.

Бугунги кунда O`zLiDeP аъзоси сифатида фаолият олиб бораётган ёшларнинг 777 нафари тадбиркор, 135 нафари фермер сифатида рўйхатдан ўтган бўлиб, жойлардаги қуйи бўғинларнинг 50 тасига партия дастурий мақсадларини кенг тарғиб этишни асосий вазифалардан бири деб ҳисоблайдиган нақирон маслақдошлар етакчилик қилишмоқда. Уларнинг билим даражаси, иш тажрибаси, салоҳияти ва иқтисодий ривожлантириш бўлимидаги қўшимча маълумотлар билан ташкиллаштирилаётган турли мавзулардаги семинарлар, давра суҳбатлари, тренинг машғулоти иштирокчилари орасида ёшларга оид партиявий лойиҳалар эгалари ҳам оз эмас.

Уларнинг ўз бошлаган ишларида ижобий натижаларга эришаётганликларидан бундай машғулотларнинг таъсир кучи ва аҳамияти каттадир.

— O`zLiDePнинг 2014 йили «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси ғолибларидан бири сифатида тижорат банкларининг 5 млн. сўмлик кредит олиш ҳуқуқини берадиган сертификатини олиб тақдирланганлиги бизнес-режамнинг

асосий мақсади — «Меваларни қуритиш ва қайта ишлаш» юзасидан ўз фаолиятини бошлаш имконини берди, — дейди Бухоро иқтисод ва банк коллежи талабаси Муҳайё Тўраева. — Жумладан, қуритилган мевалардан бири — анжирнинг ўта шифобахш, табиқатда ўз ўрнига эга эканлигини ҳисобга олиб, келгусида бир неча иш ўрни яратган ҳолда айнан шундай маҳсулот экспортини йўлга қўймоқчиман.

— Жорий йилда партиянинг «Ишбилармон талаба» лойиҳасида тикувчилик йўналиши бўйича қатнашиб, O`zLiDeP стипендиаси эгаси бўлганим мени янги марраларга ундаётган, — дейди Бухоро санъат коллежи талабаси Мадинабону Раҳимова. — Келажакда модельер-дизайнер бўлиб етишиш, каштачи қизлар учун янги иш ўринлари яратиш ордундир.

Шунингдек, «Асака» банкнинг Жондор туман бўлимида 35 миллион сўмлик имтиёзли кредит олган ҳолда яқин тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган саноат касб-хунари коллежи битирувчиси Муҳаббат Шофиддинова, «Халқ банки»нинг Шофиркон туман бўлимида ажратилган 30 млн. сўмлик имтиёзли кредит эвазига қишлоқ ҳўжалигининг муҳим тармоқларидан бири — чорвачиликни ривожлантиришга ҳисса қўшишга ахд қилган маиший хизмат касб-хунари коллежи битирувчиси Ўткир Қурбанов ҳам ўз ордунларини амалга оширишга жиддий киришган ёшлар ҳисобланади.

Мухтасар қилиб айтганда, вилоятда тадбиркорликнинг турли йўналишларида иш олиб бораётган соҳа ходимлари сафининг тобора ўсиб боришида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга оид қонун, фармон ва қарорлар ижросини таъминлашда O`zLiDeP истиқболли лойиҳаларининг ҳам ўз ўрни бор. Ушбу йўналишда эришилган ютуқ ва натижалар бунинг амалий далилидир.

## Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари

**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) муассислигида 2007 йилдан бўён чоп этиб келинаётган «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналининг навбатдаги сони жорий йилнинг 21 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловга бағишланди**

Ушбу нашрнинг бўлажак муҳим сиёсий жараёнга жиддий эътибор қаратгани бежиз эмас. Зеро, сайлов аҳоли кенг қатламлари хоҳиш-иродасини ифодаловчи катта тадбирдир. «Мустақиллик ва сиёсий партиялар» рўқни остида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар раҳбарлари чиқишларига кенг ўрин берилганининг боиси ҳам ана шунда. Мазкур мавзудаги мақолалар тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Содиқжон Турдиевнинг «Дастурий вазифалар учун имкониятлар, ислохотлар муваффақияти учун масъулият» номли мақоласи билан бошланган бўлиб, унда мустақиллик йилларида Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг сайлов жараёнида эркин иштирок этиши учун ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник шароитлар яратилганига алоҳида ургу берилган. Шунингдек, хусусий мулк ҳамда мулкдорлар ҳуқуқлари ва ҳимоясини янада кучайтириш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, молия-банк тизимлари барқарорлигини таъминлаш, фермер ҳўжаликларини янада ривожлантириш, улар учун зарур инфратузилмани яратиш каби устувор вазифаларни амалга ошириш мақсадида партиянинг парламентдаги фракцияси ташаббуси билан қонунларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, қабул қилинган янги қонунлар борасида сўз юритилган.

«2014 йилнинг сайловолди кампаниясини бошлар эканмиз, O`zLiDeP мустақил, замонавий, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, либерал иқтисодиёт ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш, мамлакатда тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувлик, халқ фаровонлиги, Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар қаторига кириши, халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллашни таъминлаш мақсадларига содиқлигини қайд этади», дейилади мақолада.

Рисолат МАДИЕВА.

## Дулфузанинг далаларида «МХ-1,8» машиналари

**Мамлакатимизнинг барча худудларида бўлгани каби Сирдарё вилоятида ҳам пахта йиғим-терими юксак ушқоқлик билан олиб борилаётган. Бу йил 274 та терим машинаси имкониятдан тўла фойдаланиш, аниқроғи, 15 минг гектардан ортиқ майдондаги ҳосилни техника ёрдамида саранжомлаб олиш чоралари кўрилмоқда**

Дилора ЭСОНОВА, «XXI asr»

Сайхунобод, Сирдарё, Боёвуд ва Оқолтин туманларида «МХ-1,8» русумли янги машиналарнинг юқори иш унуми, пахта сифатли ва тоза териши, тола ҳамда чигитга зарар етказмаслиги, ушбу хом ашёнинг 1-навга қабул қилинаётгани туфайли фермерлар маблағи тежалмоқда.

Сардоба туманидаги «Сирли макон сайқали» фермер ҳўжалиги аъзолари бу йил 32 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳозир ҳўжалик далаларида пахта йиғим-терими авжида.

— Чигитнинг «Навбахор» навини экиб, мавсум давомида экинни сифатли парваришладик, — дейди фермер ҳўжалиги раҳбари, O`zLiDeP фаоли Диффуза Абдусатторова. — Аксарият майдондаги ғўза машинабоп қилиб ўстирилди. Натيجида пахта икки иш кунда машиналар ёрдамида йиғиштириб олдик.



Сарвиноз Шокирова етакчилик қилаётган «Сарвиноз Собиржоновна Ғайзи» фермер ҳўжалиги Гулистон туманидаги илғор субъектлардан ҳисобланади. Пахта йиғим-теримини жадал сурьатда олиб бораётган жамоа шу кунгача даладаги ҳосилнинг 35 тоннаси, яъни 90 фоиздан зиёдини саранжомлади.

— Ҳўжалигимиз бундан икки йил олдин ташкил этилган, — дейди Сарвиноз Шокирова. — Аъзоларимизнинг кўпчилиги Мирзо Улғабек агросаноат касб-хунари коллежини тугатган ёшлардан иборат. Яна бир муҳим жиҳат: ҳаммамиз тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вакиллари-миз.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилик ва савдо масалалари кўмитаси раиси С.Жабборов, O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси масъул ходими С.Муслимова, O`zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари Ш.Бозорбоева яқинда Боёвуд туманидаги «Урозбой ўғли Сарвар», Мирзаобод туманидаги «Озода Гулзода Ғайзи», Мирзаобод туманидаги «Ристоби», Оқолтин туманидаги «Хондамир Амрихон» фермер ҳўжалиги далаларида бўлиб, деҳқонлар хирмонига барака тилалдилар.

Бир гуруҳ илғор теримчилар партия Сиёсий Кенгаши ва Ўзбекистон Фермерлар кенгашининг «Ташаккурнома» си билан тақдирланиши.



# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» 2014-yil 9-oktabr, payshanba, 40 (568)-son, www.21asr.uz, e-mail: xxi\_asr@mail.ru

## Таянч нуқталарнинг таъсир кучи

**О'zLiDeP Навоий вилоят кенгашида ғоявий-сиёсий тарғибот ишларини янада кучайтириш ва партиявий лойиҳаларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган тизимли тадбирлар ижобий натижалар бераётир. Хусусан, бошланғич ташкилотлар электорат манфаатларини ифодалаш орқали сайловчиларнинг партиямизга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга эришяптилар**

Мансур АСЛОНОВ,  
«XXI asr»

Партия вилоят кенгаши раиси ўринбосари Рашид Муҳаммедовнинг айтишича, О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан белгиланган вазифалар доирасида сиёсий-мафкуравий изчилликни таъминлаш, яқинлашадиган мазмун-моҳияти, партия Сайловолди дастурида белгиланган долзарб вазифалар ижросини таъминлаш, ғоявий мақсадларини оммага етказиш, шунингдек, мамлакатимиз аҳолиси, айниқса, ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Табиики, тарғибот ишлари самарадорлигини оширишда оммага энг яқин ҳисобланган бошланғич ташкилотларга таянилади. Шу боис улар фаолиятини янада жонлантириш мақсадида ҳар бир куйи ташкилотга халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари аъзолари бириктириб қўйилди. Натижада О'zLiDeP аъзоларининг масъулияти, фаоллиги ва ташаббускорлиги сезиларли даражада ошди. Масалан, Қизилтепа туманида жойлашган «Аква-Тўдакўл» қўшма корхонасидаги БПТ саъй-ҳаракати билан 7 та янги иш ўрни яратилди.

Навбахор туманидаги Янгийўл ҚФЙ ҳудудида куйи бўғин етакчиси Муҳаббат Жўраевнинг ташаббуси билан 22-умумтаълим мактабининг 5 та синф хонаси таъмирланиб, гимнастика зали учун янги жиҳозлар олиб берилди. Шунингдек, Кармана туманидаги «Шаҳноза-Шалол» хусусий фирмасида иш юритаётган таянч нуқта кўмаги билан тадбиркор Дилбар Турсунова уч йил муддатга 15 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиб берил-

ди. Шу ҳисобдан тадбиркор қўшимча 5 та иш ўрни ташкил қилди. Бу ерда илк меҳнат фаолиятини бошлаган маҳаллий ёшлар мамнуният билан О'zLiDePга аъзо бўлдилар.

Иқро ҳокимияти органлари фаолияти юзасидан назорат-таҳлил ишларини кучайтириш бўйича партия депутатлик гуруҳлари билан БПТлар ҳамкорлиги ҳам ўз самарасини бермоқда.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 28 нафар мансабдор шахснинг «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича ҳисоботлари тингланди. Сайловчилар билан юзмаюзу мулоқот ва учрашувларда билдирилган таклифлар баён этилган ҳамда мутасадди ташкилотларга юборилган депутатлик сўровларидан 82 таси ёки 79 фоизи ижобий ечим топди. Уларнинг аксарияти БПТлар томонидан кўтарилган масалалар эканини алоҳида қайд этиш жоиз. Шу ва бошқа амалий тадбирлар партиянинг одамлар ўртасидаги нуфузини ошириш, тарафдорлар сонини кўпайтиришга имкон берди.

О'zLiDeP ҳудудий ташкилоти мутасаддиларининг фикрига қўра, вилоятда кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, малакасини ошириш, партия вилоят кенгаши аъзолари томонидан амалий кўмак бериш тажрибаси йўлга қўйилгани ижобий натижаларга замин яратмоқда. Чунончи, тахлиллар шунини кўрсатаптики, кейинги бир йилда партия сафига кирган тадбиркорлар сони 497 нафардан 1233 нафарга, фермерлар 295 дан 915 нафарга, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият кўрсатаётган маслакдошларимиз сони 1118 нафардан 3419 нафарга ошди. Умуман олганда, аъзолар сони 2,2 баробарга кўпайиб, салкам 16 мингга, БПТлар эса йил бошидаги 335 тадан ҳозирда 490 га етди.

Дарахт илдизсиз яшай олмаганидек, партия ҳам ўзининг теран томилари — бошланғич ташкилотлари билан кудратлидир, — дейди О'zLiDeP Навбахор туман кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзоси Сабоҳат Раҳимова. — Шу боис биз партиявий фаолиятимизни бе-



восита аҳоли қатламлари орасида ишловчи куйи бўғинлар ишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтиряёмиз. Сайловга тайёргарлик жараёнида ҳам БПТ фаоллари, фер-

мер ва тадбиркорлар кўмагига таянаёмиз. Мухтасар айтганда, олдимизда турган жиддий сиёсий имтиҳондан муваффақият билан ўтамиз, деган умиддаман.

## Мулкдор ёшлар мулкдорлар партиясид

Жорий йилнинг ўтган даврида Сирдарё туманида партия аъзолари сони 111 нафарга кўпайди. Бундан натижага партия Устави ва Дастури асосида ғоявий-сиёсий ишлар самарадорлигини ошириш, фермерлар, хусусий сектор вакиллари ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда келажакни ишбилармонлик билан боғлашни мақсад қилган йигит-қизларга яқиндан кўмак бериш орқали эришиляпти. Бунда ўз сафларига 677 нафар аъзони бирлаштирган 39 та БПТнинг алоҳида ўрни бор.

— «Парламентда менин ўрним», «Агар мен депутат бўлсам...» сингари бир қанча лойиҳалар ёшларнинг сиёсий саводхонлигини оширишга хизмат қилмоқда, — дейди туман партия кенгаши раиси ўринбосари Беҳзод Эргашев. — «Сенин тенглошинг», «Мустақиллик туфайли мулкдор бўлдим» мавзудаги танловлар эса уларни амалдаги қонунчилигимиздан хабардор қилиш баробарида ижтимоий-сиёсий фаоллигини ҳам оширапти. Эътиборлиси, мазкур тадбирлар ўтказилишига БПТлар бевосита ёрдамлашяпти. Қайд этиш жоизки, яқинда Сирдарё педагогика касб-хунар коллежида бўлиб ўтган «Ёшлар ва қонунчилик» мавзудаги давра суҳбатига партиявий фаолиятга доир йўналишлар хусусида фикр алмашилди. Тадбирда сўзга чиққан халқ депутатлари Сирдарё туман кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси С.Савдиева, партия туман кенгаши БПТлар билан ишлаш бўйича консультанти И.Пайзиева ёшлар ўртасида сайлов қонунчилигига оид тарғибот ишларини янада кенгайтириш юзасидан ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Д.ЭСОНОВА.

## Миришкордаги муҳокамалар МОҲИЯТИ

**Миришкор туманидаги «Бекмуродова Лобар» хусусий фирмасини бошланғич партия ташкилотининг навбатдаги йигилиши «Баркамол авлод — истиқлол таянчи» мавзуга бағишланди**

Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI asr»

Унда БПТ раиси Лобар Бекмуродова Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ёш авлодни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш йўлида қилинаётган ишларни янги босқинга олиб чиққанлиги, шунингдек, мазкур тадбир О'zLiDeP дастурида белгиланган мақсад ва вазифалар ижросини таъминлашга қаратилганлигини таъкидлади.

Ушбу, фирмада бугунги кунда 7 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган. Унинг қошидаги «Ўқув маркази»да эса 10 нафар қиз кийим-кечак, каштачилик, элита парда, иш коржомалари тикишни ўрганмоқда.

БПТ йигилишида туманда эътибордан четда қолаётган гиламчилик, каштачилик, зардўзлик мактабларини қайта тиклаш, хотин-қизларни Жейнов пахта тозалаш ОАЖ ва бошқа корхоналарга касаначилик орқали ишга жойлаштириш партия фаоллари олдига турган долзарб вазифа эканлигига эътибор қаратилди. Шунинг баробарида касб-хунар коллежларини битираётган ёшларни тадбиркорликка йўналтириш орқали улар бандлигини таъминлашга оид масалалар муҳокама қилинди.

## Жонли мулоқот

Тўрақўрғон туманидаги «Дилрабо СДА» МЧЖ бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан «Партиянинг Сайловолди дастури ижросини таъминлашда БПТларнинг ўрни» мавзуда жонли мулоқот ташкил қилинди. Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтаётган сайловга тайёргарлик кўриш ва сайлов даврида куйи ташкилотлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш масалалари хусусида сўз юритилди. — Олдимизда масъулиятли имтиҳон турибди, — деди мазкур БПТ етакчиси Маъсуда Солиқова. — Бу эса биздан сиёсий фаоллик ва ҳамжиҳатликни талаб этади. Хусусан, фаолларимиз орасидан кузатувчи ва ваколатли вакил вазифасини бажара оладиганларни танлаш, тавсия этиш учун маҳаллий кенгашлар билан куйи бўғинлар орасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш зарур. Тадбирда иштирок этган О'zLiDeP вилоят кенгаши қошидаги Сиёсий таълим маркази раҳбари ҳамда партия туман кенгаши мутасаддилари маслакдошларимиз сафини ёш тадбиркор ва фермерлар ҳисобига кенгайтириш, партия фаолларининг аҳоли орасига чуқурроқ кириб боришига эришиш пировардида сайловда ўз самарасини бериши ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. А.МУСУРМОНОВ.

ДИМЛАР ИБРАҲИМОВ



## «Роҳатой» — пешқадамлар сафид

Тажрибадан маълумки, БПТ фаолият юритаётган меҳнат жамоаларида иш унвондорлиги орқали, тарғиб-интизом мустаҳкамланади. Авазбек Тешаббоев раҳбарлигидаги «Роҳатой» кўп тармоқли фермер ҳўжалиги мисолида бунга яна бир бора ишонч ҳосил қилиш мумкин. Мазкур ҳўжаликтаги куйи ташкилотнинг 20 нафар аъзоси пахта теримчи арасида БПТ мажлисини ўтказди. Унда ҳосилни йиғиштириб олиш билан боғлиқ вазифалар белгиланиб, аниқ режа тузилди. Катъий тарғиб асосида олиб борилган оқилона фаолият ўз самарасини берди. — Аъзоларимиз — илгор теримчилар Шаҳноза Акбарова, Ойдиной Розқова кунга 130-140 кг. пахта теришапти, — дейди таянч бўғин етакчиси Давлатбек Отахонов. — Ёшларимиз саъй-ҳаракати билан 52 лектар майдондан 3 иш кунда 154 тонна хом ашё йиғиштириб олинди. Туманда илгорлар қаторида бораётган ҳўжалик аъзоларининг нияти шарғнома режасини 125 фоизга етказишидир.

— Университетда таҳсил олиб юрган пайтимда О'zLiDeP дастури билан танишиб, ушбу партия ҳар томонлама камол топган, Ватанга содиқ, фуқаролик жамятини шаклланиши жараёнларида фаол иштирок этишга тайёр йигит-қизларни тарбиялашга эътибор қаратишини билганимдан сўнг унинг аъзоси бўлишга қарор қилгандим.

Айнан О'zLiDeP ташаббуси билан ўтказилган ўқув-семинарларда тадбиркорлик билан шуғулланиш орқали ўзининг молиявий аҳволини яхшилашдан ташқари, мамлакат иқтисодиёти ривожига ҳам ҳисса қўйиш имкониятига эга бўлишимни англаб етдим. Шу тариқа телевидениеда ишлаш, ижод қилиш билан бирга ўз бизнесимни йўлга қўйдим. Бунга дугоналаримни ҳам жалб қилдим. «Тўй либослари» салонимизни ҳозирча ҳамкорларимиздан харид қилинган маҳсулотлар билан тўлдираётган бўлсам-да, яқин келажакда тикув цехи очиб, янги иш ўринларини яратишни мўлжаллаб турибмиз. Тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган ёшларга ҳар бир лойиҳага пухта режа билан киришишни тавсия қилган бўлардим. Зеро, шундагина улар саъй-ҳаракатлари қандай натижа беришини тўла англаб етдилар. Фурсатдан фойдаланиб, сайловларда О'zLiDePдан ўз номзодини қўйишни мақсад қилган сафдошларимга омад ёр бўлишини, «XXI asr» газетасига эса ўқувчилари сони бундан ҳам кўпайишини тилаб қоламан.

Камола ЭРМАТОВА.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори.

## РЕКЛАМА

**Ведущий производитель кровельных и гидроизоляционных материалов третьего поколения**

Гидроизол для: [www.SaxiyHamkor.uz](http://www.SaxiyHamkor.uz)

**КРЫШИ ФУНДАМЕНТА БЕТОННЫХ ШВОВ**

ГИДРОИЗОЛ НЕ ПОДВЕРЖЕН БИОЛОГИЧЕСКОМУ И ХИМИЧЕСКОМУ РАЗЛОЖЕНИЮ - ГНИЕНИЮ И КОРРОЗИИ

Тел.: + (998 93) 592-78-15  
+ (998 98) 128-09-01  
+ (998 71) 248-05-41

E-mail: info@saxiyhamkor.uz

Адрес: ул. Уста-Ширин, Алмазарский район, ориентир: круг Жамий

# ЖАРАЁН

## Истеъмолчилар ҳуқуқи ва бурчлари

Қиш яқинлашмоқда. Уни кўнгилдагидек ўтказиш эса кенг жамоатчилик қатори мутасадди ташкилотлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Президентимизнинг «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2014-2015 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори долзарб аҳамиятга эгадир. Қарордаги вазифалардан келиб чиқиб, Бухоро шаҳрида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда

Асхор ИСТАМОВ, «XXI asr»

Бугунги кунда шаҳар ҳудудида 70 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари (УЖМШ) фаолият олиб бораёпти. Улар малакали мутахассислар билан таъминланган. 2013 йилда кўп қаватли уйлари жорий ва муқаммал таъмирлаш учун УЖМШга тижорат банклари томонидан 389 миллион сўм маблағ ажратилган эди. Жорий йилда эса бу кўрсаткич 1 миллиард 700 млн. сўмни ташкил этди.

— Шу кунгача ширкатларнинг ўз маблағлари ҳисобидан олпита уйнинг томи муқаммал, 352 та уй эса жорий таъмирдан чиқарилди, — дейди шаҳар хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси раиси Шавкат Азимов. — Иссиқ ва совуқ сув тармоқлари, элеватор боғламалари ҳам қатъий назоратга олинган. Ушбу йўналишдаги ишлар «Нодирабегим», «Келажақ», «Замондош таъмирсервис», «Гулобиён», «Матонат-маҳорат» ширкатларида айнака уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

«Нодирабегим» УЖМШ раиси, халқ депутатлари Бухоро шаҳар кенгаши депутати Собир Ҳайдаровнинг таъкидлашича, коммунал соҳадаги муаммолар бирин-кетин ҳал этилмоқда. Таъмирлаш-созлаш ишларини тез ва соз амалга оширишда «Бухорокоммуналсервис» компанияси жамоаси яқиндан ёрдам кўрсатаёпти. Кейинги пайтда шаҳардаги 11 та кўп қаватли уйнинг иссиқ ва совуқ сув қувурлари яроқсиз ҳолга келиб қолган эди. «Ипотека банк»нинг вилоят бўлими томонидан ажратилган 100 млн. сўмлик кредит ва ширкат мулкдорларининг 60 млн. сўмлик маблағлари эвазига улар юқори сифатли пластик қувурларга алмаштирилди. 20 дан ортиқ уйнинг йўлақлари тартибга келтирилиб, кириш жойларида металл эшиклар ўрнатилди.

— Белгиланган тадбирларни рисоладагидек амалга оширишда аҳолининг техник хизматлар учун тўловлари, шунингдек, «Алоқабанк» вилоят бўлими томонидан ажратилган 50 миллион сўм миқдоридagi кредит жуда кўл келди, — дейди «Кўкча» УЖМШ раиси Санжар Шарипов. — Қиш-қировли кунлар яқинлашаётган бир пайтда зиммасида катта масъулият турганлигини унутмаслигимиз лозим.

Жорий йилда шаҳардаги 21 та кўп қаватли уйнинг том қисмини ҳомиёлар ёрдами билан қайта таъмирлаш кўзда тутилмоқда. Бунинг учун Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи томонидан 1 миллиард 70 миллион сўм маблағ ажратилган.

Бироқ масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор. Ш.Азизовнинг фикрича, истеъмолчи ўз ҳуқуқи билан бирга фуқаролик бурчини ҳам унутмаслиги лозим. Мавсум кўнгилли ўтиши, ер-тувлардаги муҳандислик тармоқларининг техник созлиги, дераза ва эшиклар мустаҳкамлиги кўрсатиладиган хизматлар учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилишига кўп жиҳатдан боғлиқ, албатта.

Баъзи бир ширкатлардаги қоникарсиз ҳолат — эҳтиёт қисмлар етишмаслиги ва маблағ тақчиллигига бориб тақалади. Бу, табиийки, таъмирлаш ишларига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Вақт эса кутиб турмайди. Бинобарин, барча куч ва имкониятларни сафарбар этиб, изгиринли кунлар тадоригини ҳозирдан кўриш ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқдир.



## Тасаввур ва таассурот

Самарқандда О'zLiDePнинг «Парламентда меннинг ўрни» нартгивий лойиҳаси доирасида «Ёшлар — демократик сайловлар арасида» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Таъбирда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлимаси ходимлари, партиянинг сиёсий таълим маркази раҳбари ҳамда маҳаллий кенгашлар депутатлари қатнашдилар. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўладиган сайловнинг ёшлар ҳаётидаги аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

«Ўзбекистонда демократик сайлов тизимининг қарор топishi ва ривожланиши», «Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш ва уларнинг конституциявий ҳуқуқлари» каби қатор мавзулардаги мавзулар суҳбати навқирон авлод вакилларининг сайловга оид таъбирларини бойитди, дейиш мумкин.

— Бугунги мулоқот менда яхши таассурот қолдирди, — дейди Самарқанд педагогика коллежи талабаси Ноила Рустамова. — Хусусан, жорий йилда бўлиб ўтадиган сайлов тўғрисида аниқ тушунчага эга бўлдим. Бундай йирик сиёсий тадбирда иштирок этиб, муносиб номзодни қўллаб-қувватлаш орқали ўз фуқаролик бурчинини адо этган бўлман. Демак, эртаси учун қайтурган ҳар бир йигит-қиз сиёсий партияларнинг сайлововли дастурлари ҳақида тўлиқ ҳабардор бўлишни зарур.

Муҳаббат РАВШАНОВА.

## ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИҚМАТДИР ДУНЁ!

«Фақат бир эззулик бор билим ва фақат бир ёмонлик бор — жаҳолат».

СУҚРОТ.

# Юртга дахлдорлик масъулияти

Салкам бир ярим асрлик тобеликдан қутулган халқимиз 1991 йилнинг 1 сентябри тонгини эркин ва озод, мустақил юрт фуқаролари сифатида қаршилагани янги Ўзбекистон тарихига зарҳал ҳарфлар билан битиб қўйилди, бу тарихий сана барчамиз учун энг улуг ва энг азиз кунга айланди

Эркин ХҲЖАКУЛОВ, Жиззах вилояти Адлия бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси

Шундай эканлигини айна пайтда 23 ёшлилар, ва ҳатто улардан биров каттароқлар ҳам тўлиқ англаб етмасликлари мумкин. Чунки улар ҳур дийрда вояга етдилар. Аммо ўша тарихий дамларда бағоят ёшда бўлганлар Истиқлолнинг нақадар қадри неъмат эканлигини жуда яхши билдилар.

Хуқуқшунос сифатида эътироф этаманки, ўз юртининг эгаси бўлиш, бағоят ўшига етганида давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиш, айнака, сайлаш ва сайлашни ҳуқуқига эга бўлиш ҳар бир инсон ғурурини осмон қадар кўтаради. Шундай эканлигини айнака биринчи маротаба фуқаролик паспортини қўлга олганлар чўқур ҳис этишлари аниқ. Чунки у оддий ҳужжат эмас. Улуғ бир мамлакатнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканлини тасдиқловчи биринчи даража ли ёрликдир.

Мазлумки, ҳар қандай давлат муайян қонунлар асосида фаолият юритади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам ўз фа-

олиятини Мустақиллик Декларацияси ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши билан адолатли демократик давлат қурилишининг ҳуқуқий пойдеворини яратишдан бошлади. Юртбошимиз томонидан илгари сурилган ғоя ва концепция асосида хавфсизлик, инсон ҳуқуқлари ҳамда тараққиётимизнинг кафолати бўлган суверен давлат механизмлари ишлаб чиқилиб, амалиётга фаол татбиқ этила бошлагани тўғрисида мамлакатимиз тарих учун нисбатан қисқа муддатда жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни, маками ва нуфузига эга бўлди.

Ўрни келганда шунга алоҳида таъкидлаш жоизки, мавжуд қонунлар инсон ҳуқуқларини ифодалаш баробарида унга муайян мажбуриятларни ҳам юклайди. Уларни адо этиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз ҳисобланади. Масалан, ҳадемай давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида муҳим воқеа — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлигига сайлов бўлиб ўтади. Ушбу муҳим сиёсий жараёнга жойлардаги давлат тасдиқловчи органлари, сиёсий партиялар, нодавлат ноtijорат ташкилотлар қаторида аҳоли барча табақалари, касб эгалари бирдай тайёргарлик кўришмоқда. Чунки шахснинг муайян номзодга

овоз бериши фақат қонуний ваколатидан фойдаланишгина эмас, балки давлат ва жамият олдидаги фуқаролик бурчи ва масъулияти ҳамдир.

Вақт — олий ҳаким. Ўтган йиллар мобайнида қабул қилинган қонунларнинг айримлари бугунги кун талабларига жавоб бермай қолиши тартибий. Шу боис сайловга оид қонунларга ҳам тузатиш ва ўзгартишлар киритиб борилаёпти. Бунда кенг жамоатчилик фикрини инобатга олиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси Адлия вазирлиги, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ҳамда мутасадди идоралар билан ҳамкорликда сайловда сиёсий партиялар ва уларнинг номзодлари ва тенг шaroит яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратаёпти.

Масалан, парламентимиз томонидан жорий йилда қабул қилинган «Сайлов тўғрисида»ги қонун ҳужжатларининг тақомиллаштирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун ҳам шулар жумласидандир.

Бунда асосий эътибор «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чўқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш бўйича илгари сурилган

ташабуслар мазкур тизимни янада демократлаштиришга хизмат қилаётганига алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимиз сайлов тизимининг конституциявий асослари янада тақомиллаштирилди. Конституциянинг 117-моддасига киритилган қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини шакллантиришнинг демократик тизими, унинг фаолиятига доир асосий принциплар конституциявий норма тарзида мустаҳкамлаб қўйилди.

Концепцияга мувофиқ ишлаб чиқилган «Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуннинг қабул қилингани, аввало, сайлов кампаниясини ўтказишда депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларни тенг шaroит ва имкониятлар билан таъминлаш механизмлари самарадорлигини янада ошириди. Фуқароларнинг эркин хоши билдириш, сайлов комиссиялари фаолиятининг ошқоралигини таъминлаш, сайлов қонунчилигининг бузилишига йўл қўймамасликка оид қондаларнинг қонунда мустаҳкамлангани сайлов ҳуқуқлари кафолатлари мустаҳкамланишига за-

мин яратди.

Марказий сайлов комиссияси ваколатларини янада кенгайтириш ва кафолатларини мустаҳкамлаш унинг асосий принциплари бўлган мустақиллик, коллегиялик, ошқоралик, адолатлик тамойилларининг моҳияти ва мазмунини бойитди. Молиялашнинг янада тақомиллаштириш мақсадида давлат бюджетидида алоҳида модда назарда тутилган эса комиссиянинг молиявий мустақиллигини таъминлади.

Муқтарам Президентимиз Исмоил Каримов раҳнамолигида соҳага оид ҳуқуқий асосларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани бўлажақ сайловни демократик талаблар ва умумэтироф этилган халқор стандартларга мувофиқ тарзда ўтказишда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шак-шубҳасиздир. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси эса бўлажақ сайлов кампаниясининг барча босқичларида шаффоқлик, ошқоралик, очиклини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш учун бор имкониятларини ишга солмақда.

Муқтасар айтганда, бўлажақ сайлов мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг эркин кўриниши сифатида мустақил фаолиятининг ошқоралигини таъминлаш, сайлов қонунчилигининг бузилишига йўл қўймамасликка оид қондаларнинг қонунда мустаҳкамлангани сайлов ҳуқуқлари кафолатлари мустаҳкамланишига за-

## Воҳанинг сайёҳлик салоҳияти ортмоқда

Қашқадарёда бундан ўн йил муқаддам сайёҳларга бор-йўғи 2 та туристик корхона 65-70 миллион сўмлик хизмат кўрсатган бўлса, эндиликда 20 дан зиёд хусусий фирма ҳудудий туризм ривожига йилига 4,5 млрд. сўмлик ҳисса қўшмоқда

Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI asr»

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 1 ноябрдаги «2013-2015 йиллар даврида Қашқадарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарориди воҳанинг ўзига хос тарихий-маданий мероси имкониятларидан самарали фойдаланиш, мавжуд меъморий ансамбллар ва обидаларни асраб-авайлаш, уларни таъмирлаш, транспорт инфраузилмасини ривожлантириш, сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, пиروардида янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган. 2014 йилда ана шу мақсадларни рўёбга чиқариш учун 50 млн. АҚШ доллари миқдориди маблағ сарфланиб, 44 та лойиҳа амалга оширилди.

— Туризм аҳамияти жиҳатидан юртимизни дунёга танитишда спорт, санъат ва маданият соҳалари каби муҳим ўрин эгаллайди, — дейди «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг Қашқадарё вилояти бўйича ваколатли вакили, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Уктам Хўжаёров. — Турли халқларнинг урф-одатлари, миллий қадриятлари, дўстлик ришталарини бир-бирига боғлашда хизматлари тўғрисида ушбу соҳани миллатлараро алоқа кўприги, десак муболага бўлмайди. Қадимий шаҳарларимиз тарихи, халқимизнинг маънавий-маданий қадриятларини тиклаш борасида кенг қўламли бунёдкорлик ишларининг амалга оширилаётгани туризм имкониятларини янада кенгайтирмоқда.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз ташаббуси билан истиқлол йилларида Қарши шаҳридаги кўплаб тарихий обидалар, муқаддас қадамжолар обод қилиниб, бутунлай янги манзара кашф этди. Илгирдаги ҳар бир қадимий ёдгорлик, шунингдек, соҳибқирон Амир Темур давридаги бебаҳо маданий мерос билан танишиш, воҳанинг

бетакрор табиатидан баҳраманд бўлиш учун ташриф буюрувчилар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари қурилиши баробарида сервис хизмати ҳам яхшиланиб бораёттир. Ҳукумат қарорига асосан ишлаб чиқилган дастур амалга оширилган, 2016 йилда воҳага ташриф буюрувчи сайёҳлар сони 33,2 минг кишига, уларга хизмат кўрсатиш ҳажми эса 2010 йилга нисбатан уч баравар кўпайиши кутилмоқда.

Жумладан, Қарши аэропортида йўловчиларга хизмат кўрсатиш учун бизнес-зал бунёд этилиб, сайёҳлар учун махсус автобуслар ажратилди. Қарши темир йўл шохбекасти, Китоб станцияси реконструкция қилинмоқда. Маркетинг талаблари бўйича яратилган visitkashkadarya.uz портали имкониятларидан фойдаланган ҳолда вилоятнинг туристик бренди ишлаб чиқилди. Эко-туризм имкониятларини кенгайтириш мақсадида Миришқор туманидаги Ачинкўл сув ҳавзаси атрофида замонавий инфраузилмага эга дам олиш маскани барпо этиш жадал давом этаёпти. Скитерда сузиш, ўтов уйлар, кичик меҳмонхона, автомобиллар тўхташ жойи, мобиль алочка маркази ва сув ҳавзаси қуриб бекор қилинди. Шаҳрисабз, Китоб, Яқкабоғ туманлари ҳудудида эко-лози ва қишлоқ туризмини, Қарши шаҳри ва туманида соҳада хали тўлиқ фойдаланилмаётган маданий-маърифий туризмни ривожлантириш, ҳудудий туристик маҳсулотларни хориж туристларга чиқариш, диққатга сазовор табиий ва тарихий-маданий манзиллар бўйича янги йўналишларни ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

— Вилоятда туризмни ривожлантириш, сайёҳларга сервис хизмати кўрсатишга ҳарон талаблари даражасига етказиш мақсадида Испания, Португалия, БАА, Япония, Германия, Австрия, Голландия, Венгрия, Чехия каби давлатлар таърибасини амалиётга татбиқ этишга ҳаракат қилаёмиш, — дейди У.Хўжаёров. — Қадимий ёдгорликлар, қутулган қадамжоларни ободонлаштириш, уларнинг бетакрор жиҳатларини кўрсатиш борасида изланишлар олиб бориб, тарихий обидалар ва зиёратгоҳлар ҳақида рисодалар, буклетлар яратишга таниқли иждоҳор ва олимларни



жалб этаёпмиз. «Қарши шаҳар ёдгорликлари» рисоласи шулар жумласидандир.

Яна бир янгилик: Яқкабоғ туманининг Хўжалиқор қишлоғида Амир Темурнинг болалик йилларини акс эттирувчи музей ташкил этилиши мўлжалланган. Замонавий ҳамда миллий таомлар шохобчалари, эсдалик совғалари савдо растанси, «Сохибқирон боғи» ушбу ансамбли бойитишга хизмат қилади.

Қарши шаҳридаги «Бекмир» мадрасаси, Шаҳрисабздаги «Коба» қарвонсаройида хўраманлар маркази ташкил этилиб, уларда хўраманчилик маҳсулотлари, шарқ ширинликлари, миллий таомлар савдоси йўлга қўйилди. Самарқанд-Шаҳрисабз автомагистрали бўйлаб туристик кемпінглар барпо этиш мўлжалланаёпти. Китоб туманидаги «Кенглик станцияси» ва расадхона, шунингдек, Хисор кўриқхонаси ва Китоб давлат геологик кўриқхонаси бўйича туристик йўналишлар ишлаб чиқиш режалаштирилган. «Мингчино» оромгоҳи ҳудудида меҳмонхоналар, рестороанлар ташкил этиш бўйича иш бошлаб юборилди. Жумладан, 24 та

янги меҳмонхона қурилиб, 5 таси қайта таъмирланди. 30 та тарихий ёдгорлик реставрация қилинади. Шаҳрисабзга ташриф буюрадиган сайёҳлар электро-мобилда сайр этиш имконига эга бўладилар.

Шу ўринда туризм соҳасида фаолият олиб борадиган кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилганлигини айтиб ўтиш жоиз. Хусусан, ўтган йиллар мобайнида 300 дан ортиқ соҳа ходимининг малакаси оширилди. Қарши маданият коллежи Туркизм маданияти коллежига айлантирилди. Қарши давлат университетиди эса ҳар йили 20 нафар мутахассис тайёрлаш йўлга қўйилди.

Сирасини айтганда, Қашқадарёда халқимизнинг ноёб маданият бойлиги ва тарихий меросини тарғиб қилиш, ёшларни миллий ғурур ва ватанпарварлик руҳида ажодларга муносиб воқислар этиб тарбиялаш, халқаро миқёсда мамлакатимиз нуфузини ошириш воситаларидан бўлиши туризмни ривожлантириш лойиҳаси учун турли манбалар ҳисобидан 100 миллион АҚШ доллари миқдориди маблағ сарфлаш кўзда тутилган.

## Ў СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

«Бозорлардан, дўконлардан болаларимиз учун турли матолардан тикилган кийимлар сотиб оламиз-у, лекин уларнинг қандай талабларга жавоб бериши лозимлиги ҳақида ўйлаб кўрмаймиз. Ана шулар ҳақида газетангиз саҳифаларида маълумот бериб борсангиз.

Н.Раҳмонова,  
Тошкент шаҳри».

Болалар кийимларининг ўлчамлари ва тапқи кўриниши меъриий ҳужжатлар талабларига жавоб бериши лозим. Биринчидан, кийимлар симметрик деталлар бири-бирига мос келиши, 28 қулликкача бўлган чақалоқларнинг кийимлари фақат табиий тодалардан бўлиши керак. Болалар кийимларининг таркиби Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рухсат этилган тодалардан тайёрланиши, булла маҳсулотнинг ранги, физик-механик кўрсаткичлари талабга жавоб бериши зарур. Айнака, ҳаво ўтказувчанлиги, гигроскопик хусусиятлари, элктростатик ҳоссалари меъсрда бўлиши лозим. Ҳар бир ота-она ўз фарзанди учун харид қилаётган кийимнинг кўринишига эмас, балки ана шу жиҳатларига эътиборни қаратсалар, фойдалан холи бўлмайди.

«Фарзандимга кийим-кечак харид қилаётганимда сотувчидан унинг мувофиқлик сертификатини сўрашга ҳақлиманими? Умуман, қайси ёшдаги болалар либослари мувофиқлик сертификатига эга бўлиши керак?»

И.Холдоров,  
Сирдарё вилояти».

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан бўйли 86 см.гача бўлган болалар кийимлари мувофиқлик сертификатига эга бўлиши керак. Сизнинг талабингизга асосан сотувчи шу хилдаги либосларнинг мувофиқлик сертификати нухасини кўрсатиши шарт.

Саволларга «Республика Сино» ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси бўлим бошлиғи Ҳабиба Холмирзаева жавоб берди.

# Миллионлар тақдирига боғлиқ масала

**Дунё бозорида ҳамisha мўл-кўл бўлиб келган гуруч ва дон тақчиллиги оқибатида бугун истеъмол маҳсулотлари нархи кескин ошаётгани бот-бот таъкидланмоқда. Экспертларнинг фикрига кўра, тезкор чора-тадбирлар кўрилмаса, ризқ-рўз манбаи бўлган буғдойнинг баҳоси 180 фоизга қимматлашиши мумкин. Бу барча мамлакатларни бирдек шубҳа-гумонлар гирдобига ташламоқда**

**Ақбар МУЗАФФАРОВ,**  
«XXI asr»

Ер илмининг таниқли му- тахассислари бундай шаро- итдан фақатгина фермерлик- ни ривожлантириш орқали- гина талафотсиз чиқиш мум- кинлигини таъкидламоқда- лар. Чунки қишлоқ хўжалиги учун кенг имконият ва имти- ёзлар яратиб берилган дав- латларда фермерлар энг юқори натижаларга эриши- шаяпти. Хитой тажрибаси бунга яққол мисол бўла ола- ди.

Ўтган асрнинг 70-йиллари охирига келиб мазкур мамла- кат дунёдаги энг камбағал давлатлардан бирига айла- ниб қолганди. Деярли 80 фо- издан ортиқ аҳолининг кун- лик даромади бир долларга етмасди. Ана шундай вазият- да, яъни 1978 йилнинг охи- рига келиб чин юрти вакил- лари «Мушук қайси рангда бўлмасин, энг асосийси си- чкон тутсин» мақоли асоси- да ривожланишнинг бутун- лай янгича усулига ўтдилар.

Дастлабки ислохотлар 900 миллион кишидан ортиқ аҳоли яшайдиган қишлоқ- лардан бошланди. Босқичма- босқич амалга оширилган ишлар туфайли ер деҳқон- ларга узоқ йиллик шартнома асосида ижарага берилди. Натижада ҳосилдорлик бир- данига 10 фоизга ошди. Шундан кейин деҳқончилик хўжалиқларининг маъсулиги- га асосланган ер ислохоти сиёсати ўтказилиб, эркин нархлар жорий қилинди.

Аграр соҳадаги бундай ислохотлар кутилганидан зиёд муваффақият келтирди ва етти йилдан сўнг аҳолини тўла таъминлаш баробарида озик-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш имкони яратилди. Ҳозирги пайтда ушбу мамлакат галла, пахта, шولى, тамаки, гўшт, тухум, денгиз маҳсулотлари ва кўкатлар етиштириш бўйича дунёда биринчи ўринда туради. Ма- салан, 1992 йили 443 милли- он тонна галла, 5 миллион тон- нагача пахта етиштирилган бўлса, орадан ўн йил ўтган дон тайёрлаш саломаи 486 мил- лион тоннадан ортди. Ваҳо- ланки, жаҳон аҳолисининг бешдан бир қисми яшайди- ган юрт ер майдонининг ати- ги 10 фоизи хайдаладиغان

далалардир. Умуман олганда, Хитойда мавжуд 93 миллион гектар ернинг 51 фоизи лалми, 49 фоизи сугориладиган ерлар- дир. Шундай бўлса ҳам қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоги деҳқончилик ҳисоб- ланади. Экин майдонининг учдан икки қисмини шولى, буғдой, батат (жануб ўсимли- гининг бир тури), картошка эгаллайди. Шولى энг асосий экин бўлиб, ундан йилига 2 ёки 3 мартаба ҳосил олина- ди.

Мамлакат халқ хўжалигида чорвачилик кейинги ўринлар- да турса-да, қорамоллар бош сони бўйича етакчилардан бири саналади. Соҳада ҳар бир худуднинг ўзига хос йўна- лишлари мавжуд. Масалан, Шарқий Хитойда чўчкачилик, паррандачилик ривожланган. Дунёдаги жами чўчкаларнинг 40 фоизи айнан Хитойда пар- варишланади.

Кейинги йилларда қишлоқ худудларида янгича иш услубига эга бўлган кор- хоналар юзага келаётди. Уларда мавсумий қишлоқ хўжалиги юмушларидан бўшган кишиларни иш бил- лан таъминлаш, талаб ва так- лиф асосида фаолият юр- тиш йўлга қўйилмоқда. Ма- салан, Шанси худудидаги ша- харга яқин ерда жойлашган иссиқхоналарни олайлик. Ўн йиллар олдин бу ерда гул етиштирувчи корхоналар бармоқ билан санарли эди. Айни пайтда эса юзга яқин фермер фақат гул етишти- риш ва уни сотиш билан шу- гулланапти. Иссиқхона ерла- ри шартнома асосида 50 йилгача ижарага берилган ҳам эътиборга моликдир.

Пекин шаҳри яқинида қишлоқ хўжалигининг яқин истиқболдаги ҳолатини акс эттирувчи алоҳида худуд бар- по этилган бўлиб, бу ерда 50 дан ортиқ хусусий фирма де- ҳқончилик ва чорвачиликнинг турли соҳалари бўйича фа- олият олиб бормоқда. Улар то- монидан катта маблағ сарф- ланиб, илмий техниканинг сўнгги ютуқлари қўлланила- ётгани боис самарадорлик жуда юқори. Мисол учун, ден- гиз сувидан парваришланаёт- ган бир помидор кўчати 60 килограммгача ҳосил беради. Архидей уруғларини экиб, парваришлайдиган «Сани» компанияси йилига 150 мил- лион туп гулни ички бозорда сотиб, ортганини хорижга

экспорт қилмоқда. Кўзқорин етиштиришдан асосий мақ- сад ҳам шу. Бир сўз билан айтганда, қишлоқ хўжалиги- нинг истиқболини белгилаб берадиган бундай худудлар тажрибаси эндиликда ўзини тўлиқ оқлай бошлади.

Умуман олганда, бугун на- фақат Хитой, балки дунёнинг аксарият мамлакатларида тармоққа кўпроқ сармоя кири- тиш, биоёқилги учун маҳсулот етиштиришга чек қўйиш ва хом ашё бозорларида шаф- фошликни таъминлашга кат- та эътибор қаратилмоқда. Чунки оммавий очлик ва қаш- шоқлик эҳтимоли ҳар бир қарич ердан унумли фойда- ланиш заруратини юзга кел- тирди. Деярли иккинчи да- ражали масалага айланиб қолган қишлоқ хўжалигини ривожлантириш яна биринчи ўринга кўтарилди. Ҳатто энг бой мамлакатларда ҳам янги- янги усуллар устида бош қотириляпти.

Масалан, Европарламент- да фермерликни қўллаб-қув- ватлаш асосий масала сифа- тида кун тартибидан тушмай қолди. Соҳага ажратилаётган субсидиялар мазкур тузилма бюджетининг қарийб 40 фо- изини ташкил этиши лозим- тиш йўлга қўйилмоқда. Евро- парламентнинг қишлоқ хўжа- лиги бўйича комиссияси ра- исси Паоло Де Кастронинг фикрича, аграр секторни рив- ожлантириш учун маблағ аялмаслиги зарур.

Шу ўринда океанор- ти мамлакатларида ҳам озик-ов- қат хавфсизлигини таъмин- лаш масаласига эътибор ку- чайганини қайд этиш лозим. Хусусан, Кубада ушбу сектор- ни техник жиҳатдан янги бо- сқичга олиб чиқишга зўр бе- римокда. Маълумки, ушбу мамлакатда қишлоқ хўжали- гига яроқли ерлар 80 фоиз- дан иборат. Ялпи миллий да- ромад улушида эса қишлоқ хўжалиги ва балиқчилик бор- дари 16 фоизни ташкил эта- ди, холос. Шу боис ҳам ҳуку- мат эътибори қишлоқ хўжа- лининг тубдан ислоҳ қилиш ва зарарсиз технологиялар билан таъминлашга қарати- лаяпти. Мамлакат молия ва- зирлиги маълумотларида ўтган йили 260 та янги фер- мер хўжалиги ташкил этил- ган қайд қилинган. Мақсад — озик-овқат импорти ҳаж- мини пасайтиришдир.

Африкада аҳолининг озик- овқатга бўлган эҳтиёжи том

маънода ҳаёт-мамонт масала- сига айланди, дейиш мум- кин. Иқтисодчилар фикрича, «қора қитъа»нинг етарли озик-овқат захирасига эга бўлиши учун қишлоқ хўжали- гига йўналтирилаётган сар- моя миқдори йилига 20 млрд. АҚШ долларидан оши- ши керак. Акс ҳолда очлар «армия»сининг сафи кенгай- иб бораверади. БМТ маълум- отларига кўра, минтақада қашшоқлик ва очарчиликдан ҳар йили 25 минг киши кўз юмаётди. Ачинарлиси, улар- нинг 30 фоизга яқини бола- лардир.

Бу масалада Эфиопияда- ги вазият айниқса ачинарли. Мамлакатда қарийб 5 йилдан бери қурғоқчилик ҳукм сур- моқда. Бу эса яқин йилларда очарчилик минглаб эфиопия- ликлар ҳаётига чанг солиши- дан далолатдир. Маълумот- ларга қараганда, аҳолини оч- лик балосидан қутқариб қолиш учун айни пайтда 130 млн. АҚШ доллари ҳажмида озик-овқат захираси лозим. Акс ҳолда 7 млн.га яқин аҳоли очликдан қирилиб кетади. Эс- латиб ўтамиз: бундан 25 йил муқаддам юз берган очарчи- лик мамлакатда 1 млн.дан ортиқ кишининг ҳаётига зо- мий бўлган. Бундай ҳолат такоррланмаслиги учун ҳуку- мат йирик халқаро молия му- ассасалари эътиборини мазкур муаммага қаратапти.

Ана шундай бир вазиятда мамлакатимизда озик-овқат эҳтиёжи тўлиқ таъминлан- гани алоҳида таъкидлаш ло- зим. Жорий йилда галлардо- ларимиз 8 миллион 500 ми- лтоннадан зиёд ҳосил йиғиш- тириб, катта хирмон уйдилар. Ўзбекистон галла экспорт қилувчи давлатлар қатори- дан мустақам жой олди. Бун- дан ташқари турли мева-саб- завоқлар ҳамда қайта ишлан- ган озик-овқат маҳсулотлари экспорт бўйича ҳам юқори кўрсаткичларга эришилмоқ- да. Агар 1990 йилда истеъмол учун зарур бўлган гўшт ва гўшт маҳсулотларининг 60 фоизи, картошканинг эса 50 фоизи четдан келтирилган бўлса, бугунга келиб айни шу маҳсулотлар хорижга ҳам со- тилаяпти. Етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулот- ларининг қарийб 98 фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келаётди. Бу эса иқтисодий ислохотлар соҳасида танлаган йўлимиз нақадар тўри экан- лигидан яна бир далолатдир.



## ЭЪЛОН

### ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИХА ҲУҶЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ

#### кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа гоёларини танлов асосида қабул қилади.

Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа гоёлари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини (ТИА, бизнес-режа) ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.

Танлов қўйидаги йўналишларда олиб борилди: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгиллаш.

Танловга инвестициявий жозибадорлик ва саноат соҳасида табиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи гоёлар қабул қилинади.

Фонд энг истиқболли ва жозибадор лойиҳаларни республика тижорат банклари кредит маблағлари ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга кўмаклашади.

Танловда лойиҳа гоёлари ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:

- ариза (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

Ҳужжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.

Батафсил маълумот учун тел: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.  
Web-site: www.fppd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com

Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Қоратощ кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қават. Мўлжал: «Истиклол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

## «BUXORO GLOBAL REALTOR» МЧЖ очик танловга таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Бухоро шаҳар ҳокимининг 2013 йил 4 октябрдаги 1481к-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, А.Сомий кўчаси ёқасида жойлашган 5 та, 200,0 кв.метрдан иборат ер участкаларининг доимий фойдала- ниш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқнинг ҳар бирининг минимал қиймати — 141 216 сўмдан. Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Бухоро шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириги асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириги нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятлар танлов голиби билан танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузил- ган кундан бошлаб 12 ой муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар мазкур эълон матбуотда чоп қилинган кундан бошлаб, расмий иш кунлари (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача (тушлик вақти 13.00 дан 14.00 гача) қабул қилинади ва 2014 йил 10 ноябрь куни соат 18.00 да тўختатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманомга берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ мини- мал қийматининг 10 фоизи миқдоридagi гаров пулини ўзаро келишувга асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномасида кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро шаҳар ҳокимлиги биносида 2014 йил 11 ноябрь куни соат 11.00 да очилади, 2014 йил 11 ноябрь куни соат 15.00 да танлов голиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов голибига айланади.

Юқоридagi ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2014 йил 11 ноябрдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2014 йилнинг 18 ноябрь куни соат 12.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2014 йил 17 ноябрь соат 18.00 да тўختатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро шаҳар ҳокимлиги биносида 2014 йил 18 ноябрь куни соат 11.00 да очилади, 2014 йил 18 ноябрь куни соат 15.00 да танлов голиби аниқла- нади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас. Танлов ташкилотчиси — «BUXORO GLOBAL REALTOR» МЧЖ. Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Тел: (+99893) 960-69-00, факс: (0365) 221-54-43. Электрон почта: www.bgr.g.uz

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридagi ҳақ эвазига оладилар.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қўйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этишди:

- юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вақилнинг тарихини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вақил қатнашган тақдирда унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб- да расмийлаштирилган ишончнома;
- танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига гаров пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатдан нусха;
- танлов ҳужжатлари талабгарига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш ва гаров пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: АТ «Халқ банки» Бухоро филиали, ҳ/р: 20208000600251607001, МФО: 00116, СТИР: 302668377.

Хизматлар лицензияланган. № RL 0171.

## РЕКЛАМА ЎРНИДА

### Банк ёрдамга келди

**Юртимизда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликка кенг йўл очилган**

**Абдулазиз АБДИЕВ,**  
Карши шаҳридаги «Junior Tex» оилавий корхонаси раҳбари

Зеро ушбу соҳа иқтисоди- ётни барқарор ривожланти- риш, аҳоли ўртасида бандлик даражасини ошириш, оила- лар фаровонлигини таъмин- лашда муҳим ўрин тутди. Ху- сусан, қишлоқда етакчи кучга айланган оилавий тадбиркор- лик давлат томонидан ҳар то- монлама қўллаб-қувватланаёт- ганлиги қувонарли ҳолдир.

Буни ўз фаолиятимиз ми- солида кўриб турибмиз. Иш- лаб чиқаришни йўлга қўйиш маблағ масаласи билан чам- барчас боғлиқ, албатта. АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Қашқадарё минтақавий фили- али барқарор молия ташкило- ти сифатида биз каби тад- биркорларга ўз вақтида ёрдам кўрсатиб, мушкуллимиз- ни осон қилмоқда.

Узоққа бормайлик. Жорий йил май ойида тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, хари- доригр истеъмол моллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида ўз бизнес- режамизни банкнинг вилоят минтақавий филиалига тақ-



дим этган эдик. Кўп ўтмай биз- га 15,0 миллион сўм миқдори- да кредит ажратилди. Ушбу маблағга янги замонавий ти- шув машиналари харид қилиб, болалар ва ўсмирлар учун спорт кийимлари ишлаб чи- қаришни йўлга қўйдик. Нати-

жада 4 киши доимий иш бил- лан таъминланди.

Бугунги кунда истеъмол бозорига харидор дидига мос, замонавий бичимдаги турли хил спорт анжомлари етказиб берилмоқда. Уларга талаб юқори. Савдо-сотикдан ту-

шаётган даромад ҳам чақки эмас. Бу эса бизни янги мар- ралар сари руҳлантирмоқда. Келгусида корхона фаолияти- ни янада кенгайтириш, маҳ- сулотлар турини кўпайтириш, уларни хорижга ҳам экспорт қилишни мўлжаллаяпмиз.

# СЎНГГИ САҲИФА

## Инчеонда кўлга киритилган медаллар

Жанубий Кореянинг Инчеон шахрида Халқаро Олимпия кўмитаси шафеълиги остида ўтказилган Осиё ўйинларида шоҳсупага 44 мартаба кўтарилган ўзбекистонлик спортчилар кўлга киритилган медаллар сони бўйича умумжамоа ҳисобида тўққизинчи ўринни банд этишди



Анвар ИЛЕСОВ олган сурат

### Ўз мухбиримиз

Умуман олганда, нуфузли турнирда 45 та давлат терма жамоалари иштирок этиб, уларнинг 37 таси медаллар билан тақдирланди. Фақат 28 та мамлакат спортчилари шарафига миллий мадҳиялар янгради. Хусусан, Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари тегишли спорт тури бўйича тўққиз мартаба тенгсиз, деб топилган бўлсалар, 14 марта иккинчи ва 21 марта учинчи погонани эгалладилар.

Таъкидлаш жоиз: спортчиларимиз орасида энг яхши натижани полволаримиз қайд этишди. Жумладан, эркин курашчилар — Бекзод Абдурахмонов (70 кг.) ва Рашид Курбонов (74 кг.) ҳамда юнон-румчи Р.Ассакалов (85 кг.) мутлақ голибликни кўлга киритган бўлсалар, яна тўрт (1 та кумуш ва 3 та бронза) нафар ўзбекистонлик полво соҳибдорлар қаторидан ўрин олди.

Энгил атлетикачиларимиз бундан тўрт йил аввал бўлганидек, юртимизга медаллар шодаси (2 та олтин, 2 та кумуш

ва 3 та бронза) билан қайтдилар. Эътиборлиси, «Гуанчжоу-2010» мусобақасининг баландлик сакраш сазовор бўлган медалга сазовор бўлган Светлана Радзевил Инчеонда ана шу натижасини тасриқлашга эришди. Шу ўринда хоррижлик мутахассислар аёллар еттикураши бўйича биринчи ўринни банд этган истреъодли ҳамюртимиз Екатерина Воронинанинг келажиги ҳақида иллик фикрларни баён этаётганларини айтиб ўтиш даркор.

XVII Осиё ўйинлари давомида эшак эшиш — Ўзбекистонда устувор спорт тури сифатида ривожлангани яна бир бора исботланди, десак муболага бўлмайди. Зеро, Владимир Меньков (каное, 1000 м.) ва Алексей Мочалов (байдарка, 1000 м.) мусобақадан олтин медал билан қайтган бўлсалар, бошқа йўналишларда иштирок этган эшакчиларимиз терма жамоа ҳисобига яна битта «кумуш» ва иккита «бронза» қўшиб қўйдилар.

Ҳақиятлиси, таэквондонинг 87 кг. вази тоифасида барча рақибларини мағлуб этган Жасур Бойқўзиёв, шунингдек, бадий гимнастиканинг жамоавий беллашувлари-

да энг яхши натижани қайд этган Жамила Рахматова, Рауфия Фарутдинова, Валерия Давидова ва Анастасия Сердюкова Осиё ўйинлари тарихида илк мартаба мазкур спорт турлари бўйича олтин медалларни кўлга киритишди. Бинобарин, 1994 йилдан буён ана шу мусобақаларда иштирок этган спортчиларимиз таэквондо ва бадий гимнастика бахсларида бу даражада юқори натижаларга эриша оlishмаганди.

Улардан фарқли ўлароқ, боксчилар, дзюдочилар ва теннисчиларимиз Инчеонда инкониатларидан бироз пастрок кўрсаткичларни қайд этдилар. Масалан, аввалги ўйинлардан

камида битта олтин медал билан қайтган ўзбекистонлик чарм кўлқоп усталари бу гал 2 та кумуш ва 2 та бронза билан кифояланган бўлсалар, дзюдочилар бир марта иккинчи, тўрт марта учинчи ўринни эгалладилар. Денис Истоминадек профессионал спортчиға эга бўлган теннис бўйича терма жамоамиз ҳисобига бор-йўғи битта бронза ёзилди.

Ўз навбатида бундан аввал нафақат Осиё ўйинлари, балки бир неча олимпиадаларда иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаган тажрибали гимнастикачилар Оксана Чусовитина ва Антон Фокин ҳам ўз йўналишлари бўйича яхши натижаларга эришиб кумуш медалга сазовор бўлишгани, терма жамоа ҳазинасига, шунингдек, каратэчи (1 та кумуш ва 2 та бронза) ва оғир атлетикачи (3 та бронза) ҳамюртларимиз томонидан ҳам медаллар жойланганини айтиб ўтиш жоиз.

Нима бўлганда ҳам спортчиларимиз мусобақа давомида ўзларига юклатилган вазифа ва топшириқларни сидқидилдан адо этиб, майдонга Ватан шарафини муносиб химоя қилман, деб тушишгани муҳимдир. Умид қиламизки, спортчиларимиз ва уларнинг мураббийлари Инчеонда кузатишган хато-камчиликлардан тегишли хулоса чиқарган ҳолда бундан кейинги мусобақаларда яхшироқ натижаларни қайд этиладилар.

Эслатиб ўтиш лозим: 2018 йилги Осиё ўйинлари Индонезия пойтахти — Жакартада бўлиб ўтади.

### «Инчеон-2014» мусобақасида ўзбекистонлик спортчилар томонидан кўлга киритилган медаллар рўйхати:

Спорт тури	олтин	кумуш	бронза	жам
Кураш	3	1	3	7
Энгил атлетика	2	2	3	7
Эшак эшиш	2	1	2	5
Гимнастика	1	3	1	5
Таэквондо	1	3	0	4
Бокс	0	2	2	4
Дзюдо	0	1	4	5
Каратэ	0	1	2	3
Оғир атлетика	0	0	3	3
Теннис	0	0	1	1
<b>Жам</b>	<b>9</b>	<b>14</b>	<b>21</b>	<b>44</b>

### Очлик — даво

Маълумотларга қўра, бир кун давомида оч юриш инсон саломатлиги учун фойдали экан. Олимларнинг таъкидлашича, оч қолган танада снгл стресс ҳолати кузатилади, доимо овқат хазм қилиш билан банд бўлган ошқозон, шубҳасиз, дам олишга эҳтиёж сезади. Хусусан, тадқиқотлар давомида ҳар оиннинг биринчи душанбасини очликда ўтказган кишилар танада жиддий хасталикларнинг сезиларли даражада пасайиши кузатишган.

Дарвоқе, ушбу усулни қўллаб-қувватлаётган диетологлар мижозларига кун давомида умуман ҳеч нарса емасликни тавсия қилишмайди. Уларнинг фикрича, озишни мақсад қилганлар нонушта ва кечги овқатдан керакли даражада воз кечсалар бўлди. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳар оиннинг бир кунини қисман оч ҳолда ўтказган инсонларнинг 40 фоизда юрак ва қон томир касалликларининг келиб чиқиш ҳолатлари, шунингдек, астма билан оғриган беморларда хуржлар сони сезиларли даражада камайган. Бундан ташқари, қисқа муддатли оч қолиш кишига ичак, жигар, буйрак, қон ва лимфада тўпланган шлак ва токсинлардан халос бўлиш имкониятини яратди. Мазкур усул билан ҳаттоки биологик ёшни назорат қилиш ва алсрига билан курашиш ҳам мумкин экан.

Аммо олимларнинг таъкидлашича, яхши натижага эришиш учун ушбу муолажани бир марома олиб бориш шарт.

Фахриддин **НУРАЛТИЕВ** тайёрлади.

### Тўрт кунлик иш ҳафтасига қачон ўтилади?

Россия Федерацияси бош вазири ўринбосари Ольга Голодец мамлакатда тўрт кунлик иш ҳафтасини жорий этиш бўйича билдирилган таклифлар ҳозирча қўриб чиқилмаслигини маълум қилди.

— Ҳафтасига тўрт кун ишлаб, уч кун дам олиш ҳозирча биз учун орзу бўлиб қолади, — дейди у. Эслатиб ўтиш лозим: яқинда ОАВда Россия давлат Думаси томонидан 40 соатлик иш ҳафтасини 36 соатга қисқартириш масаласи қўриб чиқилиши мумкинлиги ҳақида хабарлар тарқатилган. Ушбу таклиф Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан билдирилган бўлиб, мазкур лойиҳанинг ҳаётга татбиқ этилиши иш ўринларининг кўпайишини таъминлаши, ишчи-ҳодимлар саломатлиги ва атроф-муҳитга ижобий таъсир кўрсатиши айтилмоқда. Думанинг меҳнат, ижтимоий таъминот ва фахрийлар масалалари бўйича кўмитаси раҳбари Андрей Исаевнинг таъкидлашича, одамлар ҳар доим иш вақтини қисқартиришга ҳаракат қилишган.

— Эътиборлиси, XIX асрда саккиз соатлик иш куни ақл бовар қилмайдиган ҳолат сифатида тилга олинган бўлса, бутун бу одий меъёрлар, — дейди А.Исаев. — Шундай экан, қачондир тўрт кунлик иш ҳафтасига ўтишимиз мумкин.

### Ў ОБ-ҲАВО

Маълумки, далаларимизда пахта йигим-терими айна қизгин паллага кирди. Миллий бойлигимизни ўз вақтида, нест-нобуд қилмай йигиштириб олиш учун ҳам об-ҳавонинг ёгин-сочинсиз келиши муҳим аҳамиятга эга. Фермерларимиз эътибори учун шу ҳафта охири ҳамда келаси ҳафтада ёгингарчилик кутилмаётганини маълум қилмоқчимиз. Умуман, республикада 9-16 октябрь кунлари илқ ҳарорат кузатилади. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳарорат кечаси ўртача +2...+7, кундузи +13...+18, воҳа вилоятларида эса кундузи +18...+23 даражагача кўтарилиши кутилмоқда. Юртимиз шарқи — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида кечаси +13...+18, кундузи +20 даража бўлади. Пойтахтимизда ҳам ёгингарчилик кутилмайди. Ҳарорат кечаси +13...+18, кундузи +17...+22 даража бўлади.



### Ў ЛАТИФАЛАР

Икки бизнесмен инқироздан кейин учрашиб қолишди. Бири иккинчисига: — Қандай ухляяпсан? — Худди қақалоқдек! — Қанақасига? — Шундай... Ҳар соатда уйғонаман-да, йиглайвераман, йиглайвераман...

\*\*\* Чол денгиздан тилла балиқ тутиб олди. Шунда у тилга кирди: — Кампиринг ҳалиям ҳаётми? — Ҳа. — Ундай бўлса мени еб қўявер.



### ДИЛДАГИ ГАПЛАР

— Анчадан бун О' zLiDePa аъзо бўлишни ниёт қилиб юргандим. Партия фаолларининг таклифи бу ниятни мақсадга айлантирди. Ўтган давр мобайнида тадбиркорлик ва фермерлик билан шугулланишни истаган ёшлар иштирокида ўтказилган давра суҳбатларида қатнашдим, ўз олдига катта мақсадларни қўйган йигит-қизларга тажрибадан келиб чиққан ҳолда тавсиялар бердим. Бундан ташқари, партия ташаббуси билан ёшлар орасида турли иллатлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган тадбирларда бевосита қатнашиб, уларни спорт ва жисмоний тарбия билан шугулланишга қорладим. Маълумки, йирик мусобақаларда яхши натижаларга эришишни ниёт қилган ҳар қандай спортчи мураббий томонидан белгиланган машқ ва юктамаларни вақтида бажариб, ўзини беллашувларга техник, услубий ва руҳий жиҳатдан тайёрлай олсагина совринли ўринларни эгаллайди. Фикримча, O' zLiDeP аъзолари ҳам бўлажак сайловга ҳар томонлама тараддуд кўрсаларгина беш йил аввалгидек салмоқли натижаларни кўлга киритадилар.

Дарвоқе, мен партия нашри — «XXI ASR» газетасига обуна бўлдим. Сиз-чи?

Камол МУРОДОВ, кураш ва дзюдо бўйича халқаро мусобақалар голиби. «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиб.

### РЕКЛАМА



### АҲОЛИ ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ўзстандарт» агентлиги «Метрология хизматлари кўрсатиш маркази» давлат корхонаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 15 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори доирасида жорий йилнинг 1 июлидан «Интерактив давлат хизматлари ягона портали»да «Ўлчов воситаларини давлат текширувидан ўтказиш учун электрон талабнома бериш» интерактив давлат хизматини йўлга қўйди.

Сиз қачон, қаерда бўлсангиз, корхоналарингиздаги ўлчов воситаларини давлат текширувидан ўтказиш тўғрисидаги хабарни жойлаштиришингиз, шунингдек, марказимиз фаолияти юзасидан таклиф ва эътирозларингиз бўлса online режимда фаолият юритадиган [www.mhkt.uz](http://www.mhkt.uz) сайтига юборшингиз ёки «Ўзстандарт» агентлигининг (8-371) 150-23-00, марказимизнинг (8-371) 150-26-03 рақамли «Ишонч телефонлари» орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Марказимиз мутахассислари Сизнинг мурожаатингизни беэътибор қолдирмайди.

«Ўзстандарт» агентлиги  
«Метрология хизматлари кўрсатиш маркази» давлат корхонаси

Хизматлар лицензияланган.

### 3АЗ FORZA Автомобили для жизни!



### Автосалон в Ташкенте

тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99

ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «РОУТАХТ»)

www.sardor-avto.uz

Товар сертифицирован.



ИТТМОИЙ-СИЙОСИЙ ГАЗЕТА  
ТАДБИРКОРЛАР ВА  
ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ —  
О'ЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-  
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НАШРИ

ТАХРИРИЯТ: Тенер АБДУРАХМОНОВ, Солимон ЗОИРОВ, Сайёраула ИМРОМОВ, Маркис ЮСУПОВ, Аскар ИСТАМОВ, Бехнод ИСРОИЛОВ, Акбар МУЗАФФАРОВ, Шайхон НАЗАРОВ. Мухаббат РАВШАНОВА, Шухрат РАХИМОВ, Насир ТОШЕВ, Шухрат ХУЖАЕВ, Наргиза КАХХОРОВА, Лилия КУЧУРОВА.

БЎЛИМЛАР: Қотибят — 281-40-17 (тел./факс). Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80. Акборот ва таҳли: хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80. Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45. Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79. Револю ва широклар бўлими — 215-60-45, 255-68-50. Қўбўнама: 215-63-80 (тел./факс).

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: xxi@xxi.uz, xxi@mail.ru. ©XXI ASR бундан олдинги маълумотларда маъба сифатида газета номи кўрсатишга шарт. Муаллифлар фидои таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин. «Ўзбекистон» НМИУ басмахонасида chop этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

БОШ МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ: Озод РАҲАБОВ

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либарал-демократик партияси.

«XXI ASR» интимоий-сийосий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ақборот агентлигининг 2011 йил 14 июнда 0007 рақами билан қайта рухсатдан ўтган.

Буортма рақами: S 1083 Тираж: 11202  
Басма ҳажми: 100 г. Тираж: 11202  
Тошкентда — 2009

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406



ISSN 2151-477X  
9 772151 477009

Набатчилов:  
Н.ТОШЕВ, С.ЗОИРОВ.